

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Одатда, қизни ҳам, йигитни ҳам рўзгор қуришга тайёрлайдилар, тирикчилик машаққатларини енгишга ўргатадилар. Пичоқ сабзи тўрашдан олдин қайралади - тайёрланади. Отни кўпқари, пойгага ойнаб парвариш қилиб тайёрлашади. Ер шудгор қилиниб, юқори ҳосил беришга тайёрланади. Футболчилар чемпионатга тайёрланади... Буларнинг ҳаммаси ҳаёт қонунияти.

Миллат-чи?

Миллат ҳам буюк келажакни қуришга тайёрланадими? Тайёрланиши керакми? Ёки "Худо хоҳласа, яхши бўлади" деб аввалгидек яшайвериш керакми? Йўқ, буюк келажак ўз-ўзидан келмайди. Унга кириб борилади. У яратилади. Ўзбек халқини инсониятнинг пешқадам, зиёли, бой-бадавлат, савлатли миллатига айлантириш керак. Раҳматли жадидчи боболаримизнинг ушалмаган армони эди бу.

Бу армонни ушатиш бизга - XX аср охири - XXI аср бошида яшаётган авлодларга тушиб турибди.

Оқсаройда 2000 йилнинг 6 апрелида Президентимиз Ислам Каримов бошқарган миллий ғоя ва миллий мафкурага бағишланган машварат ҳам миллат тарихи-

руҳи биздан шод бўлади. Биздан озод ва обод Ватан қолади.

Озод ва обод Ватан тақдири эса менинг, сизнинг - ҳаммамизнинг қўлимизда. Бунинг босиси нимада? Ҳар биримизда икки азиз кишининг намунаси, ҳислати мужассам. Бизнинг шаклимиз, шайиқимизда ҳам ўша икки азиз инсон мужассам. Булар она ва отадир. Гўдак шахсияти асосан 3 ёшгача шаклланиши исботланган. Бола 3 ёшгача кимнинг муттасил қарамоғида бўлади? Онанинг. Демак, она ўзи билиб, билмаган ҳолда миллатнинг янги авлодларини яратди. "Оналар бир парча гўштин баркамол одам қилур" деган машҳур ғазални эсланганга. Демак, ҳозир 1999 йилда ўзбек оналари XXI асрнинг баркамол ўзбек миллатининг маънавиятини яратмоқдалар. Ана шунинг учун ҳам улар миллат фахридир.

Оналар олдида масъулиятли вазифалар турибди. Бу ҳам бўлса, фарзандларимизни янги, ҳам миллий, ҳам замонавий, фидокор, ватанпарвар қилиб тарбияламоқдир. Сув, тупроқ, бугдой ҳақида шеър ўқиб, мақола ёзиш билан нон пиймаганидек, ватанпарварлик, фидойилик, ташаббускорлик тўғрисида шеър, мақола ёзган билан ёшлар ватанпарвар бўлиб қолмайди. Биринчисига - деҳқон, иккинчисига - тарбиячи керак. Аёл-миллат онаси, ватанпарвар-

БУТУННИНГ ГАЛИ

БЎЛИНГЛАР, ОДАМЛАР! ҲУШЁР БЎЛИНГЛАР!

Кўм-кўк сепини бутун борлиққа кўз-кўз қилиб яна баҳор келаяпти. Кўклар келаяпти-я... Бу баҳор мен учун айниқса ўзгача. Ахир бутун умрим давомида не-не баҳорларни кўрди менинг бу ҳоринг ва мунглиг кўзларим: йўқотишлар, йўқотишлар, йўқотишлар... Боболарим, момоларим, отаи бузрукворим, онаизорим, суянган тоғим акам, ишонган боғим укам дегандек... Бирлари ўз ажали билан кетган бўлишса, бирлари йигит ёшида урушда - қиргин баротда ўққа учган. Яна бирлари - ўттиз олти ёшдаги падали бузрукворим - муаллим, ёзувчи, дипломат Саид Ахрорий эса бутун Туркистон элининг мустақиллиги учун курашган "Миллий истиклол" уюшмаси аъзолари билан биргаликда "Халқ душмани" деган тавқи лаънат тақалиб, мустабид тузум тарафидан олтимш йил бурун отиб юборилган... Бу йўқотишларнинг сони-саногига етиб бўлмайди.

Лекин... Лекин назаримда бу баҳор ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайдиган, дарди-ҳасратимдан дилимни фориг элтадиган кўринади. Зеро, пойтахтимизнинг Юнусобод туманида бошланган улкан - маҳобатли қурилиш диёримизда бошланган савоб ишларнинг дебочаси бўлиб кўзларни, дилларни қувонтира бошлади.

Унча... Унча эса Республикаимиз Президентини Ислам Каримовнинг "Ватанимиз озодлиги ва истиклоли учун курашларда ҳим фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинликка қорлаган, шўро тузуми даврида катагон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шахид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш учун жамоатчилик комиссияси тузиш тўғрисида"ги Фармойишига кўра ташкил этилган жамоат-комиссияси иш бошлади. Ушандан бери бу комиссия 1865 йилдан бошлаб мустақилликни қўлга киритган пайтимизгача давом этган мустақиллашчилик йиллари турли жазоларга гирифторм этилган: қатл қилинган, ана диёридан қувғин қилинган ҳамюртларимизнинг адади ва исми-шарифини аниқлаш йўлида ҳаракат бошлади. Бу комиссиянинг шу кунгача қилган сай-ҳаракати натижаси ўлароқ пойтахтимизда "Шахидлар хотираси" жамғармаси тасвир этилди ва иш бошлади. Унинг фаолиятида мустабид тузум тарафидан отиб юборилган ватандошларимиз фарзандлари, набиралари ёрдамга келатириллар: улар хонадонларида ярим асрдан ортқ сақланган ҳужжатларни пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги 69-бинода (Ёшлар театри ёнида) жойлашган "Шахидлар хотираси" жамғармасига келтириб топшираётганлар. Филология фанлари доктори Наим Каримов раҳбарлик қилган комиссия бу ҳужжатларни ўрганиб, элимизнинг мустақиллашчилик зулумотидан озод этиб, ёруғ-тансиқ кўнларга етказиш учун тенгсиз курашга жонини тиккан Ватандошларимиз ёдини абадийлаштириш учун битилган хотира китобидан ўрин ажратаётдилар.

Бир тарафда комиссия иши давом этаяпти, иккинчи тарафда мустақиллашчилик даври қурбонлари хотирасига миннатдор авлодлар ҳамда Мустақил республикамиз ҳукумати абадиётга кўтарётган мажмуа қад ростлаётир. Кўп ўтмайди. Ватанимизнинг мустақиллиги учун жонини фидо қилган аждодларимиз хотирасига тикланган ёд-нома миннатдор ватандошлар учун зиёратгоҳ бўлиб қолади. 1930 йилда - уч ёшимда тонгда ишга кетганча бедарак йўқолган отаи бузрукворим Саид Ахрорийнинг дарагини тополмай олтимш йил йилгидим. Истиклол туғайли отамнинг ким бўлганини, нима ишлар қилганини, мустақиллик учун курашганлар сафида Москва шахрида отилганликларини билдим. Мана, ҳозир шахримизда ана шундай курашчиларни шарафлайдиган мажмуа қад ростлаётир. Умид қиламанки, мана энди менинг кўз ёшларим арийди. Отам ўз шеъринида қуйлаганидек, тансиқ кўнлар келди - яраш чоғидир.

Ана шундай дорилмомон кўнларда қалбимизда яна бир орзу ниш уради. Худо хоҳласа, бу хотира китобида "Миллий истиклол" номидаги яширин уюшма сафида туриб мустақиллик учун йигирманчи йилларданок курашган ва бу йўлда шуд кетган Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, Ғулом Икромов, Мирхалил Каримов, Нажмитдин Шераҳмедов, Толибжон Мусабоев, Асадулла Хўжахонов, Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев, Исроилжон Иброҳимов, Тангриқулхожи Мақсудов, Хасанқори Хоний, Зайнутдинқори Насриддинов, Муллағайбулла Дадамўхаммедов, Абдуллабек Мусабоев ҳамда менинг отаи бузрукворим Саид Ахрорий номи ҳам бўлади. Ватан мустақиллиги учун курашиб шахид кетганлар номи ҳеч қачон унутилмайди.

Табиятан меҳнат ва яратиш фасли бўлган айна паллада шулар ҳақида ўй сураб эканман, мустақиллик учун курашиб шахид кетган оталаримиз руҳи бизни оғоҳ бўлишга, лоқайлиқ қилиб энг ноёб бахтни - мустақиллиқни бериб қўймасликка қорлаётгандай бўлади. Шу қўкларнинг мусаффо кўкида шахидларнинг:

- Одамлар, ҳушёр бўлинглар! - деган нидолари янграётгандай.

ҲОЛИДА АХРОРОВА,

Мустақиллашчилик даври қурбонлари
хотирасини абадийлаштириш Республика
комиссияси аъзоси

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ТАҚДИРИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

да катта воқеа бўлиб қолади. Зеро кун тартибига - миллат ўтмиши, миллат кечмиши ва миллат келажакни қўйилди. Ўзбекистон халқини юксалтирувчи маънавий қудрат - миллий ғоя ва миллий мафкура қандай бўлиши кераклиги ҳақида самимий суҳбат бўлди.

Президентимиз миллатни миллий мафкура, миллий ғоя байроғи остига бирлаштирайлик, деб турибдилар. Демак миллатни бирлаштирадиган нарсаларни бойитиш, рағбатлантириш, аксинча, пароканда қилувчи нарсалар танқид остига олинмоғи, даф қилинмоғи керак. Бу миллатни чин севиш. Миллатни севиш - уни нукул макташдан иборат, десак унча тўғри бўлмас. Чунки бу равиш "дўст ачитиб айтади, душман қулдириб" деган ўзбекча мақолга уйқашмайди. Ўзбекча мақолларимиз жуда кўп мақталди. Советлар ҳам бизни меҳмондўстлигимиз, пахтакорлигимиз, "ҳақоратларидан дилимиз оғримаслиги" (Чўлпон) учун - мақташди. Ўзбекистон - СССРнинг меҳмонхонаси эди. Ўзбеклар эса бундан пинагини ҳам бузмас, ошни еб, кўк чой ичиб, мўйловини мойлаб, тўй қилиб, ўғилларни уйлаб, қизларини узатиб, неваларининг тўйларини қилиб бериб ўтавердилар.

Янги замон келди. Кетмонни қўйиб, техникани ишлатиш керак. Дўппини кўлга олиб, бунинг чорасини ҳозирок кўриш керак. Бизга Исроил, Япония, Германия, Голландияга тенглашиб, улардан ўттишга нима ҳалақит берайпти. Қандай камчиликларимиздан қутулишимиз керак? Олдинда XXI аср. Ақлий, интеллектуал пойга, тортишун кетаяпти. Ўзимизни, оиламизни, ҳовлимизу томоркамизни, ўғил-қиз, қувёкелинлар, неваларларни ўйлашмиш. Ватан, Миллатни ўйлаганлар бирлашиб, ўзиб бораёпти. Биз ҳам Миллат, Ватан, Давлат даражасида, ўзбекча ориятни маҳкам тутиб фикр ва амал қилсак эди. Ўзимиз ҳам, оила, ҳовли, томорқа, ўғил-қиз, қувёкелин, неваларлар ўз-ўзидан, биз тасаввур қила олмаган даражада фаровон бўлади. Ана шундай қилсак, Соҳибқиронимиз Амир Темур

лик тарбиячиси. Ҳозирги мураккаб маънавий янгилашда оналар нафақат рўзгор, балки миллат даражасида тафаккур қилиб, бунинг йўл-қизларга сингдириши лозим бўлади.

Ватан, миллат ҳисси... У боланинг оилага, энг яқин кишиларини - ота, она, буви, бува, ака-ука, опа-сингилларига бўлган муносабатидан бошланади. Бу уни қадрдон уйи ва яқин кишиларини билан боғлайдиган илдизлардир. Она тилида, она айтган миллий ғоя бутун оила учун тушунарли бўлади.

Одам зотиға хос яхши-ёмон фазилатлар сўз, тушунча орқали айтилади, ёзилади. Кўзлар эса одамлардаги фазилатларни кўради. Автобусга чиқишга юки билан қийналиб турган аёлга ёрдамлашаётган йигитни кўрганда хаёлингиздан нима кечади? "Баракат топсин, зап яхши йигит экан" деймиз. Ўша кекса аёлга жой бермай, "биноларни қузатиб" кетаётган бошқа бир қизил юзли йигитга кўзингиз тушди. Хойнаҳой ёқимсиз фикрдан ҳажжонда турасиз. Демак, нима яхшию, нима ёмон саолларига жавоблар ҳам сўзда, тилда, она тилда бор. Ана шу сўзларни англишнинг аввалида ОНА туради. Дастлаб Она сўзлар маъносини тушунтириб, бизни ўқитади, тарбиялайди. Демак, она - маънавият пойдеворининг асосчиси. Агар маънавиятимизда кемтикликлар бўлса, бунга сабаб, катта бўла борганимиз сари оналаримиз ўғилларидан узоқлашганимизда, ўзбошимчилигимизда, бизни ўраб олган айрим кишиларга хос ношойиста қилиқ, бузуқ фикрларнинг зарарли таъсирига қарши тура олмаганимизда.

Оналар миллий давлатчилигимизни, маънавиятимизни, мафкурамизни тиклашга миллий бирликини мустақамлашга ёрдам бера оладилар. Бас, шундай экан, биз ҳамки оталар, ака-укалар, ўғлонлар ҳар кун, ҳамма жойда миллат оналари - Аёллар иззатини бир поғона баланд кўтарайлик. Бу - бизнинг миллий бирлашув сари қўйган қадамларимиздан, миллий ғоямиз, миллий мафкурамиз ижобатидан бир мисол бўлсин.

МУҲАММАД ҚУРОНОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат Маркази бўлими бошлиғи,
педагогика фанлари доктори

ОИЛАВИЙ БАХТНИНГ ЯНА БИР КАЛИТИ

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида АБДУРАХИМОВА билан сўхбат

Янги оила дунёга келар экан, кўпчи қўрган қариялар фотиҳага қўл очиб: "Илоҳим кўша қаринлар, серфарзанд, сердавлат бўлинглар", деб дуо қиладилар. Дарҳақиқат ҳар бир оила кураётган йигит-қиз бахтли, иқболли бўлиб яхши фарзандлар кўришни орзу қиладди. Аммо, оиланинг бахтли-саодатли бўлиши, тўрт мучаси соғ, ақлан ва жисмонан саломат фарзандлар дунёга келиши учун фақатгина орзунинг ўзи етарлимикин. Йўқ, албатта. Бундай бағри бутунлик учун турмуш кураётган ёшлар ҳар томонлама - маънавий бой, ақлан ва жисмонан саломат, бир-бирларига муносиб бўлишлари керак. Ана шундагина оилалар саодатли, фаровон, давлатимизнинг ҳам келажаги баркамол бўлади.

Шу маънода балоғат фаслидаги қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, илк бор турмушга қадам қўётган ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи ва соғлом авлод тушунчаларини шакллантириш, ёшларнинг бир-бирига тиббий ва жисмоний мослигини ўрганиш масалаларига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Ва ҳақда биз Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова билан сўхбатладик.

- Бундан 4 йил муқаддас, яъни 1996 йил Шайхонтоҳур тумани "ЗАГС" бўли-

мида оила қуриш учун ариза билан келган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш "эксперимент"ни уюштирган эдик. Кўриқ натижасида турмуш қўрмоқчи бўлган кўпчилик ёшларда турли экстрагенитал касалликлар (ошқозон-ичак, камқонлик, буйрак, ревматизм ва ҳоказо) аниқланган ва даволаниш чора тadbирлари қўрилган эди. Ва яна шу нарса маълум бўлгандики, тиббий кўриқ нафақат авлод, яъни туғилажак фарзандлар саломатлигини асраш учун, балки халқимиз руҳиятига ҳам ижобий таъсир этди. Оила кураётган ёшлар тиббий кўриқдан ўтиб, турли касалликлари маълум бўлиб қолаётганини эшитган ота-оналар фарзандлари саломатлигига бугунданок қайғуриши лозимлигини тушуниб ета бошлашди. Ва натижада ўша йили жойлардаги "поликлиника"ларга мурожаат этганлар сони ҳар йилгига нисбатан икки баробар ошган.

Эришилган ижобий кўрсаткичлар натижасида 1998 йилдан биз "тиббий кўриқ" экспериментини бутун Тошкент шаҳри бўйича ёйдик. Ва Оила кодексининг 17-бандига: "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади", деб киритилди. Эндиги муаммо барча турмуш кураётган ёшларнинг тиббий ва маънавий савиясини кўтариш орқали тиббий кўриқдан ўтишлари учун розилигига эришиш эди. 1999 йилда умумий никоҳдан ўтаётганларнинг 40 фоизиди мана шу мақсадимизга эришган эдик. Жорий

йилнинг "Соғлом авлод йили" деб аталishi ва Соғлом авлод Дастури йўналишларида ёшларнинг жисмоний ва тиббий мослигини ўрганиш масаласининг алоҳида таъкидланиши бизни янада руҳлантириб юборди ва йил бошидан бу ишга анча жиддий киришдик. Туманлардаги барча "ФХДЭ" бўлимлари оила кураётган ёшлардан ариза қабул қилишдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш тақлифномаси билан "Ахборот-сервис хизмати маркази"га (АСХМ) юбориш мжбуриятини юкладик. Бу марказда ёшлар никоҳни қайд этиш далолатномаси компьютердан рўйхатдан ўтказилди ва тиббий кўриқдан ўтиш учун шаҳар диагностика марказига йўлланма билан жўнатилди. Диагностика марказида бўлажак келин-куёвларга текин ва навбатсиз хизмат кўрсатиш таъминланган. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади (руҳий, тери талосис ёки "СПИД" касаллиги бундан мустасно). Ёшлар тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида аниқланган бирон-бир касаллиги бўйича шифокор томонидан даъволаниш учун тавсия ва маслаҳатлар олади.

Тиббий кўриқдан ўтиш ни хоҳламидиган ёшлар ҳам учраб турадимиз?

- Ҳа, албатта, бундай ёшлар кўпинча тиббий кўриқдан ўтиш қонунда ихтиёрли, деб туриб олишади. Аммо биз улар билан соғлом турмуш тушунчалари, тиббий кўриқнинг асл моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб бораёмиз. Маҳалла-қўй, жамоатчилик, ота-оналари ҳам жалб қиламиз. Шундан кейингина ёшларнинг фик-

рида ижобий томонга ўзгариш бўлмоқда. Яқинда оилавий жанжал билан бир аёл келди. 6 ой олдин турмуш қуришгаётганида тиббий кўриқдан ўтиш тақлифини рад этган экан. Эри наshawанд чиқибди. Энди ажралаётган экан. Аммо, ўша аёл кўриқдан ўтиб, ўзининг ҳам эрининг ҳам саломатлигидан хабардор бўлмаганлигидан қаттиқ пушаймонда эди. Олиб бораётган сай-ҳаракатларимиз натижасида нафақат ёшлар саломатлигига балки оилавий ажралишларда ҳам кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Бундан икки йил олдин бир йилда 5 мингга яқин оила ажрашган (уларнинг 20 фоизи фақатгина тиббий ва жисмоний номуносиблик туфайли ажрашган) бўлса, бу йил оилавий ажралишлар сони 3 мингдан камроқлиги қайд этилди. Демак, 2 мингга яқин оилалар барбод бўлишдан ва ўшанча бола тирик етим бўлишдан асраб қолинди.

Ёш йигит-қизларга тилакларингиз...

- Шундай ёшлар бор, турмуш қуриш деганда чиройли келин қўйлақлар кийиш (ёки йигитлар чиройли қизларга ўйланиш), "Лимузин" машинасида никоҳга бориш, тўйнинг дабдабали ўтишидан бошқа деярли тасавурлари йўқ. Мен ёшларимизни "оила" деган муқаддас тушунчанинг бурч ва масъулиятини теранроқ англашларни истар эдим. Ва албатта келажақда баркамол фарзандлар отанаси бўлишлари учун бугундан замин яратиш, ўз соғлиқлари ҳақида доимо қайғуришлари лозимлигини эслатишни истардим.

Мазмунли сўхбатингиз учун раҳмат.

Сўхбатдош: Нафиса АННАЕВА

АЁЛ - ОНА МАНФААТИ ЙЎЛИДА...

Куни кеча Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссияси Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенциялар ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига амал қилиниши тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларнинг Тошкент вилоятида ижро этилишини ўрганиб чиқди ва унинг натижаси Қўмита ва Комиссиянинг қўша йиғилишида муҳокама қилинди.

Мазкур масала бўйича Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари С. Хўжаева ахборот берди.

Тошкент вилоятида хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро конвенциялар ва миллий қонунчилик талабларини бажариш бўйича муйаян ишлар олиб боришмоқда. Вилоят ҳудудидagi давлат муассасалари, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳам мазкур масалалар алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шунга қарамайдан вилоятда аёллар ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар борлиги кузатишган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплексининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова бошқарди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибиятлари ҳамда комплекс таркибига кирувчи ташкилотларнинг 2000 йил 1 чораги давомидagi фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекс қотибияти мудири Т.Норбоева маъруза қилди.

Республикада хотин-қизларнинг оиладаги, жамиятдаги маквеини ошириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш босида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги маърузада алоҳида қайд этиб ўтилди.

Жойлардаги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибиятларининг адлия бошқармалари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда оилаларни мустаҳкамлаш юзасидан олиб бораётган ишлари қўйилди. Ажралишларни олдини олиш босида Андижон, Бухоро, Наманган, Фаргона, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг фаолияти ижобий самара бермоқда. Никоҳсиз фарзандлик бўлиш ҳолатлари камайиши кузатилади. Жойлардаги тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликдаги фаолият натижасида республикада оналар ўлимнинг интенсив кўрсаткичи пасайди.

Хотин-қизларни иқтисодий ислохотлар жараёнига фаол жалб қилиш юзасидан жойлардаги меҳнат органлари, "Тadbirkor аёл" уюшмаси билан биргаликда самарали ишлар олиб борилади. Йиғилишда қўрилган масала юзасидан камчиликлар ҳам борлиги қайд этилди. Уларни бартараф этиш юзасидан бўлимлар ва ташкилотлар зиммасига қатор вазифалар юклатилди. Комплекс йиғилишида Ўзбекистон Республикаси

Бундан келиб чиқадики, вилоят муассасалари Омбудсман каби вилоятда ўз вақилигига эга ташкилотлар билан ҳамкорликни қучайтириши зарур.

Йиғилишда қайд этилган камчиликларга барҳам бериш ва аёлларнинг барча ҳуқуқларини таъминлашга тўла эришиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда аёллар сиёсий фаоллигини ошириш, ёш мутахассис аёллар салоҳиятидан кенгрок фойдаланиш, уларни маърифий, маданий, экологик тарбия ва жамоат ишларига фаолроқ жалб этиш, аёллар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича халқаро ташкилотлар билан ўрнатилган ҳамкорликни янада кенгайтириш, аёллар бандлиги масаласига эътиборни қучайтириш, Соғлом авлод давлат дастури имкониятларидан экстрагенитал ва анемия касалликларини олдини олишда кенгрок фойдаланиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йиғилиш ишида Бош вазир ўринбосари Дилбар Ғуломова иштирок этди.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ТЎҚИС-ТУГАЛ ЎСИШСИН

Ўзбекистон Болалар жамғармасида

Яқинда Ўзбекистон Болалар жамғармасининг Пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Болалар жамғармасининг 1999 йилдаги иш фаолияти ахбороти ва Соғлом авлод давлат Дастурини бажарилишини таъминлаш борасидаги амалий ишлари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда қайд этилдики, "Аёллар йили" деб эълон қилинган 1999 йилда Ўзбекистон Болалар жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишлари оила, оналик ва болаликни ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий муҳофаза қилишга қаратилган эди.

Жумладан, бу ҳақда жамғарма раиси Инқилоб ЮСУПОВА шундай деди:

- Жамғарма ва унинг бўлимлари томонидан йил мобайнида етим, ногирон болаларни, кам таъминланган кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларни, умуман аҳолини ижтимоий, моддий, маънавий ва ҳуқуқий ҳимоясига йўналтирилган қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу дастурларни жойларда ҳаётга тadbик этишда кўпгина халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинди. Булар ЮНИСЕФ, "Болаларни қутқаринг" фонди (Буюк Британия), "Ворлд Концерн", ПЭРРЦА, "Каунтерпарт Интернэйшнл", "Мерси Прожект" (Америка Қўшма Штатлар) ва бошқалардир.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси томонидан 1999 йилда 6235 нафар кам таъминланган оилалар болалари, етим ва ногирон болаларга 5166775 сўм маблағ сарфланди. 1999 йил мобайнида халқаро хайрия ташкилотларидан кийим-кечаклар, Янги йил совғалари, спорт оёқ кийимлари ва юмшоқ ўйинчоқлар мурувват ёрдами сифатида берилди.

Йил бошида Ўзбекистон Болалар жамғармаси ва Арманистон Республикасининг "Норк-Мараш" кардиохирургия Маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Шартномага биноан, туғма юрак хасталиги билан оғриган 20 нафар бола Мараш шифокорлари томонидан бепул даволанишлари лозим эди. Шунлардан 3 нафари - А. Фатхуллаев, Ж. Раҳматуллаев, Р. Туреева жаррохлик йўли билан даволанишди, 9 таси эса консултациядан ўтишди.

Республикада "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияни кенг тарғиб қилиш ҳамда болалар ўртасида ҳуқуқий билимларни янада қучайтириш мақсадида жамғарма томонидан тайёрланган "Сенинг ҳуқуқларинг" деб номланган буклет тайёрланди. "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция асосида тайёрланган амалий қўлланма ҳам ўзбек тилига ўғирилди ва нашрга топширилди.

Биз "Соғлом авлод йили"да ҳам кўп болали оилалар, етим, ногирон болалар, меҳрибонлик уйлари ва интернатларда тарбияланаётган болаларни моддий, маънавий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолиятимиз самарадорлигини янада оширамиз.

Пленум жонли ва қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтди. Унда Ўзбекистон Болалар жамғармасининг 2000 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

Ўз мухбиримиз

- Момо, хо момо! Кўшнимиз келди. Худо берди, Сизга, - ховлида туриб хабар етказди кизи онасига.
- Она десанг, бўлмайди? У қандай қилиб сенга момо бўлади? - дарвозага қираётган кампир койиди.
- Одамнинг кўнглига тегади, деб неча марта айтдим сенга!

- Она, хо она! Эшитдингизми? - хатосини тузатган бўлди "аллақачон бир уйга эгалик қиладиган киз". Жиянларим "момо" деганига ўрганиб қолибман. Кўпам, уришаверманг, - деди кўшнисини уйга бошларкан...

Кўшнилари ҳол-аҳвол сўрашиб, сўнгги янгиликларни айирбошлашганда, ховлидан қаттиқ-қаттиқ овозлар чиқди.

- Яна нима бўлди? - дегандек кампирлар бир-бирига қарашди. Уйга тез-тез қадам ташлаб кирган киз масалани ойдин қилди-қўйди:

- Элагига кепти. Обориб берсанг, тахтингдан тушасанми, дейди.

- Кўп гапирма! Чиқариб бер, - деди онаси кизига ва кўшнисига юзланиб изоҳ берди. Неча марта айтганман: ишинг битдими - олган нарсанинг элтиб бер, деб. Мана, энди араз бўлишди.

Бу лавҳани янгилик сифатида келтираётганимиз йўқ. Лекин аччиқ ҳақиқатни айтиш керак: кўпчилик кўшнилари ўзларини бошқалардан кўра "пухта" деб ўйлашадиган бўлиб қолган. "Арзимаган" элакни олайлик. Кўшнидан элак келтириб, ўз ишини битказди ва "керак бўлса, сўраб олади-да. Еб қўймаймиз-ку!" дейишди. Рўзгор деб аталмиш уйнинг кундалик юмушларида инсонга нимадир зудлик билан - шу заҳотиёқ зарур бўлади-қолади. Табиийки, кўшниларида чиқилади, "югуртирмай" келтириб бериш вазда қилинади. Оқибати - юқорида айтилган гаплар!

Маҳалладаги энг яхши кўшнилари билан мулоқотда бўлдик. Бунинг сир-сифатларини сўраб билдик: - Илгари ёмон кўшни эдим. Кейинчалик ақлим кирди. Сўраб келган нарсани кимга бериш мумкин-у, кимга "йўқ" дейишни ўргандим. Ҳозир мендан яхши киши йўқ, - тажриба алмашди "яхши кўшни". Тушунишимизча, у ўн кишидан бирининг - ишонган кўшнисининг ҳолатини битказаркан.

- Мени кўпчилиги ёмон қўйишди, - деди суҳбатимиз иштирокчиларидан бири. - Сабаби - коса сўрайди, қошиқ сўрайди, олиб келиб беришмайди. Бунинг устига "олганим йўқ" деганига қойилман. "Обиска" қилинг, дейишганда ўз нарсамни топиб, қўрастиб, исботлаб олганман.

Ҳақ гап. Кўшниларига бирон нарса бериб, ёмон

бўлгандан - бермай яхши бўлган авло эмасми?


Эрақлар ўртасидаги кўшничилик ҳам бундан пеш эмас. Кўшни сўраган бел, кетмон, арра, болга сингариларни бермасангиз, у худди ўзи келтириб қўйгандай, бутун маҳаллани бошига кўтаради.

- Нима, кетмонингни еб қўяманми? Нимангни синдириб бердим ва ҳоказо.

- Ўзимга керак, кетмон. Ишлатаман.

- Мен сўраганда чиқиб қолди-да ишингиз. Менга

КЎШНИЛАР ВА КЎШНИЧИЛИК



беш минутга беринг. Беш минут!..

Шундай можаро билан олиб кетилган кетмон, бир ҳафта - ўн кунда ҳам қайтмайди. Табиийки, кетмон синиб ёки йўқолиб оқибати сену-менга бориш билан тугайди.

Биз кўшничиликдаги бир қизиқ масалага тўхталиб ўтмоқчимиз. Бел, кетмоннинг дастасини синдириб қайтариш учраб туради. Ҳа, синмайди, синиши мумкин, аммо синган бўлса, дарҳол дасталатиб қайтар. Коса-товоқ йўқолса, "синиб қолганим ё биров олиб кетганим?" - талмовсирайди кўшни. Бунга нима дейсиз.

- Сурамаяпти. Эсидан чиқиб кетди чамаси, - оила аъзолари ўртасида тез-тез шундай суҳбатлар ҳам бўлиб туради. Аслида, кўшнис уларни инсофга келиб, ўзлари келтириб беради, деб юрган бўлади. Ушанда:

- Унутишиб юборгандир! Энди ўзимизники бўлди, деб ҳазиллашади. Бу ҳазили эмас, чини!

Кўшничилик тўғрисида мадҳия ёзиш ниятида материаллар тўплагандик. Суҳбатдошларимиз кўшни-

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

чиликни мақтаган билан иш битмайди. Мана бу мисолни, мана бу ҳикоятни киритинг, деб ҳозирги кўшничиликнинг оммавий тарқалган андозаларини пеш қилишди.

Ҳар бир маҳалла ё кишлоқда тўй-маъракаларда фойдаланиладиган катта қозон бўлади. Ундан ҳамма

фойдаланади, бир тўйда қопқоғи, яна бир-ида темир ўчоғи синиб, ёки йўқолиб юради. Бу қозонни суриштириб-йиғиштириб

жамоатчилик асосида юрадиган бир инсофли киши бўлади. Шулардан бирининг ҳикояси:

- Менинг ҳам хотирамдан кўтарилибди. Катта қозонимиз ўрнида йўқ. Уйма-уй юриб суриштирдим - йўқ! Кўпчилик ўтирганда, охириги тўй ёки маърака кимникида бўлганини эсладик. Топдик. Тўй ўтказган кишиникидан ҳам қозонни олдин сўраган эдим.

- Сиз қозонни сўраманг, молхонасининг олди-га ўтинг, - деб маслаҳат берди бир ҳазилкаш.

Айтилган маслаҳатга амал қилдим: ишонинг-ишонманг, қозонни молларига ем ивитадиган идишга айлантирибди.

- Болаларнинг иши бўлса керак, - дейди фош этилган гуноҳкор.

- Бу сенинг ишинг, - дедим. Уриб бўлмаса, сўқиб бўлмаса бу ноинсофни. Кўшница қозонни тозалатдим, куйдиртирдим, холос.

Кўшничиликни кўп гапириб суюлтириб, оз гапириб қуйилтириб бўлмайди. "Ховли олма, кўшни ол", деган мақол бугун айтилган эмас. Кўшнилари бор, олди-берди бор. "Бозор бозор эмас, кўшнинг бозор", дейишди. Бу ҳар иккала томондан ҳам арранинг тўғри тортилиши, кўшничиликнинг ёзилмаган қоидаларига оғишмай, қатъий амал қилишни талаб этади.

Кўшничилик тарбияси оилада берилди ва кўшнилари ўртасидаги муносабатларда камол топади, мукамаллашиб боради.

Кўшничилик қоидаларини бузиш - одамларни менсимасликнинг бир кўриниши. Бу - истайсизми-истамасизми ўзаро ҳурмат йўқолишининг дастлабки белгисидир.

Шундай эмасми? Сиз нима дейсиз...

Т. ТОШБОЕВ

Сурхондарё вилояти

ПАРДОЗ ЭВИДА ЧИРОЙЛИ

СИЗ ЭРТАГА КЕЛИНСИЗ...

Сезганизисиз, ҳамма ёшдаги хотин-қизларга хос бир умумий интилиш бор - ҳаммамиз ҳам Тангри яратганига нисбатан чиройлироқ, кўхлироқ кўринишни истаймиз. Бу борода жуда гайратлигимиз.

Ойингиз юмуш билан бандлигида, унинг пардоз қутисини титқиллаганингиз эсингиздами? Лаб бўёқни пешонангизга, сурмани юзингизга чаппаб:

- Ойинжон, қаранг, чиройли келин киз бўлдимми? - деганингиз ҳам эсингиздадир?

Ойингиздан биринчи койишни ҳам ўшанда эшитгансиз-а? Шундан кейин пардоз қутисини сизнинг бўйингиз этмайдиган жойга қўядиган бўлганларини биларсиз?

Сизнинг эса чиройли бўлишга иштиёқингиз ўлгани йўқ. Ўлмайди ҳам! Табиатимиз шундай-борини яна ҳам чиройли қилиб кўрсатишга интилиш қонимизда бор!

Қизлар ўзларининг ёшлик, табиий чиройи билан кўхлик кўринадилар. Унга оро бериш билан бу чиройни сунъийлаштириб қўйиш ҳам мумкин.

Қолаверса, ҳаддан зиёд бўяниш, кўша-кўша тақинчоқлар тақиш, қимматбаҳо ва ялтир-юлтир кийимлар кийиш қизларнинг "енгилтак", "қўғир-чок" сифатларини олишга сабаб бўлади. "Ўзингни бозорга солаясанми?" - дейишди бундайларни. Шу гапларни эшитгувлик қилмасин сиз-га!

Негаки, ортиқча пардоз, ортиқча безаниш-бошқаларнинг эътиборини ўзига тортиш демакдир. Бу маълум даражада "Мени кўр!" дегани ҳам. Бунинг оқибатида айрим бетавфиқ

йигитлар бундай қизларга оч қарашади, сўз отишда дадилроқ бўлишади. Сохта ишқ ихориға рағбат сезиб, эркинроқ "сайрайдилар". Негаки, бунда улар қизнинг асл рухсори билан эмас, ўзига чорловчи ва сунъий бўёқ билан муомалага киришадилар. Пардозга бундай сунъийлик муомала, муносабатда ҳам сунъийлик, сохталликни илдирилади. Шунинг учун ҳам пардоз эвида бўлгани яхши.

Бу масаланинг маънавий томони. Табиий томони эса... Пардоз хотин-қизларни эрта қаритида, деган гап юради. Бунинг заминиде ҳақиқат кўп эмасми, деб бир ўйлаб кўриш керак экан. Яқинда касалхонада учратганим бир аёлнинг беш мучал қўргунча ҳам юзини таранг сақлай олганига ҳавасим келди. Аслида бунинг ҳеч бир сирини йўқ экан. Бор пардоз ашёсининг оддий ва арзонлигини айтмайсизми? Сиз "косметичка" деб атайдиган мўъжазгина сумкасидан озроқ қуритилган ўсма, жажжи сурмадонда араб сурмаси, тароқ чиқди, холос... Умрида лаб бўёқ ишлатмаган экан. Упа-эликни ҳам гоҳ-гоҳда, театрга ёки кечки тантаналарга борганда, жуда оз вақтга кўяр экан. Келган заҳотиёқ илиқ сувда юзини ювиб, беш-ўн дақиқага қаттиқ суриб ёки туҳум сариғи аралаштирилган асалли никоб қилиб қўяркан.

- Назаримда, шу оз вақтга сурилган сунъий нарсалардан юзим тиришиб, тортишиб кетаётганга ўхшайверади. Шу никобдан эса анча ўзига келиб жайрайди, деб тушунтирди у. - Никобга ҳам кўп нарса кетмайди: бир қошиқ асалга битта туҳум сариғини яхшилаб аралаштириб, бир неча кун ишлатиб юраман.

Аёлнинг юзлари кундузи табиий ним қизил, кўзлари эса сурма аро қўддек кўринади. Ҳеч ким унга олти-миш ёш бермайди.

Қузатган бўлсангиз, пардоз-андоз, упа-эликча жуда ёшлиқдан ружук қилган аёлларнинг қирққа борма туриб, ёшларидан анча катта кўринишини, юзлари сиражин, ё қуруқшаганлигини кўргандирсиз. Тўғри, бунинг сизнинг кўришингиз анча қийин. Чунки улар, ўз юзларининг аҳволи шундайлигини билиб, ҳатто энг яқинларига ҳам бепардоз кўринмасликка ҳаракат қиладилар.

Бундай аёлларнинг пардоз учун жуда кўп вақт сарф қилишларини тасаввур ҳам қила олмайсиз. Ажин изларини тўлдириб, салқинган ерларга сал жон киритиш учун эса энг қиммат пардоз ашёларини олишга мажбурлар. Аммо, кимё-барбир кимё-да, ўз изини қолдирмай иложи йўқ. Бир умр пардоз билан юрган аёлларнинг юзиде қандайдир заъфаронлик кўринади. Пардозсиз юзларига қўзғуда қарашда баъзан ўзлари ҳам кўрқадилар. Улар ёшлиқдан (афсус - жуда эрта), ўз аёллик, латифлик, назокатлилик, гўзаллик билан боғлиқ "тонус"ларини пардоз билан қўтаришга ўрганиб қолганлар. Ишни бунчалик мураккабликка олиб бормаслик учун фақат бир нарсани, ёшлиқнинг ўзи ўз табиийлиги билан гўзаллигини, қай ёшда ва қай муҳитда бўлишдан қатъий назар, пардоз эвидалиги билан чиройлилигини унутмаслик керак.

Раҳима ШОМАНСУР

"Oila va jamiyat" аралашгач...

МЕҲР-ОҚИБАТ РИШТАЛАРИ УЗИЛМАСИН

Биз йўллаган бир шикоят хат юзасидан Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси М. Содиковдан қуйидаги жавоб хати келди:

Чилонзор тумани "Чўпон-ота" маҳалласида яшовчи Х. Самигжоновларнинг оилавий можаросини асосий сабаби - 1997 йил 6 декабрда Малоҳат Самигжоновна турмушга чиққан. Табиатан ногирон бўлган Х. Самигжонов тўйдан кейин моддий жиҳатдан қийналиб қолган ва қизидан хонадонининг ўзига тааллуқли бўлган қисмига тўлов ҳақини сўраган.

Янги оилага борган, фарзанд кутаётган қизининг қўли калтакли қилганим, вақтида уйни пулини беролмаган. Ота эса қизи устидан бир неча жойлардаги раҳбарларга, ҳатто судгага арз қилиб, ёрдам сўраганлар. Қўзлари оҳиста оҳиста иқтисодий қийинчилик туфайли шунга мажбур бўлгандир. "Чўпон-ота" маҳалла оқсоқоли О. Анорқуллов, хотин-қизлар кўмитаси раиси Г. Раҳимова ва уй бошқарувчиси З. Жамутбоевалар Малоҳат Самигжоновна билан суҳбатлашдилар. Уларнинг ташаббуси билан қизи хонадон ҳақининг икки йил муддатдаги тўлови 4650 сўмни отаси Самигжонов Хожмақбарга тилхат асосида берди. Барибир норози ота ва унинг ҳозирги хотини Зухра Самигжоновна Малоҳат билан жой талашяптилар. Бу оилавий можаро билан танишганимиздан сўнг, бир мулоҳаза ўйлантириб қўйди. Ахир биз оғир вазмин, мулоҳазали халқмиз. Бу муаммолар можаросиз, ахиллик билан ҳал қилиш ҳам мумкин эди-ку. Аммо ота билан қиз ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини боғлашга нимадир етишмаяпти, ёки қандайдир мақсадлар ҳалақит бераёпти.

Чилонзор тумани ҳокимияти хотин-қизлар кўмитаси Самигжоновларга оилавий можаро ечимини қонуний йўл билан ҳал қилиш учун Чилонзор туманидаги фуқароларнинг яшаш жойларини қайд қилиш бўлимига муносабат қилишларини тушунтирди.

Телефон жиринглади.
- Алло, синглим, мен олисдан кўнжироқ қилаялман. Жудаям сиқилиб кетдим, биласизми... - гўшакдан эзгин товуш эшитилди.
- Дардларимни кимга айтишни билмайман...
- Опажон, балки мактуб орқали ёзиб юборарсиз, сизни қўй-наётган муаммоларни, - дея сўз қотдим нотаниш аёлга ҳаёлим қўлимдаги хатда бўлгани боис. Бироқ, шу онинг ўзидаёқ гўшакдан келган бўғиқ йиғи овози фикрларимни ҳар томонга тарқатиб юборди. Сергак тортиб, вазиётни юмшатишга, аёлнинг дардидаги малҳам бўлишга интилдим.
- Синглим, мен бу дардни етти йилдан буён ичимга ютиб яшаганман. Етти йилдан буён уйдагилар кўз очиргани кўймайди... - гўшакдан энди ўқис йиғи эшитилди.
- Тушунтириброқ айтинг, илтимос...

дан ажабланиб турардим.
- Нега сен хотинини бузаясан? - деди у киши бирданича мени "сан" сираб.
- Нима деб бузибман? - дедим ҳайратимни яширмай.
- Нима учун кунда-кунора "эрим у оверди, эрим бу оверди", деб кираверасан, ўзингни бозорга соймай юрсанг бўлмайди...
Унинг гапларидан озгисман ланг очилиб қолди. Тилим қалимага келмай: "Ака, хотинингиз келсин, кейин ҳал қилармиз", - дедим тортишувга қеч қўйиш учун. Аммо, у шад билан мен томонга бостириб келдию, билгимдан чангаллаб тортиқлаб:
- Йўқ, бу нарсани ҳозир ҳал қиламиз...

ўзимнинг айбсиз эканлигимни ҳеч кимга исботлаб беролмадим, ҳеч ким мени эшитгиси келмасди.
Шу воқеадан кейин эрим мени ҳам, Бахромни ҳам роса "сўроқ" қилган. У: "Хотинингга қўлимни ҳам теккизганим йўқ", - деса, мен эримдан ҳам кўрқиб, ҳам у кишига ишониб, бор воқеани (Бахромнинг мени судраб уйга олиб кириб кетганига...) тўлалигича айтиб бергандим. Мен эримга ишонардим. У мени ҳўмоячим, мени оқлайди, ёнимни олади, деб ҳеч нарсани яширмагандим. Бахромнинг гапи бошқа, менинг гапим бошқача чиққач, эрим менга кун бермай қўйди. Уч ой тўрт болам

дамадим, негаки у энди жазо олган бўлса, мен бир умрлик азоб ўтида, тўхмат гумонида қолдим... Эрим эса ҳамон саёқ аёллар билан юрарди. Катта оилага тушган эмасманми, катта оилада гап-сўз ҳам катта бўларкан. Бир кун оилавий йиғиладиган бўлиб, қайнонамнинг уйига бордик. Совғасаломни қайнота-қайнонамнинг қўлларига топшириб, ўзим ошхонага кирдим. Овсинларимга ёрдам бераётсам, уларнинг бири "бир таниш аёлнинг саёқ йўлга кириб кетганлигини" гапира бошлади. Унинг гапларига қулоқ солиб турган бошқа овсиним эса: "Нима қиласиз бировни гапириб,

айтгиси келмаганидан шубҳага тушдим. Охири ёрилди. "Ая, ҳар ҳафта уйга келсам, уриш-жанжалнинг устидан чиқаман. Уртоқларимнинг ота-онасига қараб ҳавасим келади. Нима учун биз бундай оилада туғилдик экан, деб ўқиб кетаман..."
Биласизми, ҳеч қайси гап - на маҳалладаги гап-сўзлар, на эримнинг қилиқлари менга бунчалик қаттиқ таъсир қилмаган эди. Шундай даҳшатга тушдим, шундай йиғладим - асти қўяверасиз... Оиламизда содир бўлаётган воқеалар болаларимга ҳам таъсирини ўтказётганини ўйлаб кечаси билан азобланиб кетдим. Болаларимнинг тақдирини ўйлаб, туни билан ухлай олмадим. Бошим қотиб қолди. Ўйлай-ўйлай охири тахририятга мурожаат қилишга қарор қилдим. Менга нима маслаҳат берасизлар...

ЧОРШАНБАДАН-ЧОРШАНБАГАЧА КЎНЖИРОҚЛАРИНГИЗДАН БИРИ...

- Исми Дияра. Асли жиззахликман. Тақдир экан, Самарқандда ўқиб юриб бир йигит билан севишиб турмуш қурдик. Серфарзанд оилага келин бўлиб тушдим... Мен кенжа келин эдим. Тўйдан кейин ҳамма масъулиятни бўйнимга олиб яшай бошладим, аввало шу уйга меҳр қўйдим. Қайнота-қайнонамнинг хизматини, рўзгоринг юмшларини оғринмай қилардим. Бошимга кўнган бахт қушидан ўзим ҳам рози эдим. Бирин-кетин фарзандлар дунёга келишди. Кейин алоҳида бўлиб чиқдик. Ўшанда, - аёл юз берган воқеани эслагиси келмагандек оғир тин олди, - тўнғич болам беш ёшга кирганди. Янги маҳаллага қўчиб борган кезларимиз эди. Турмуш ўртотгим шифокор бўлишга қарамасдан жудаям удабурон, тадбиркор. Мен эса богчада ишлардим. Афсуски, ўша кун уйда ёлғиз ўзим эдим. Чарчаб, кўзим илинибди. Бир маҳал ташқаридан кимнингдир чақирганини эшитдим. Туриб қарасам, бир-икки ўй нарида турувчи Бахром ака.
- Комил уйдаими?
- Ишдалар, бирор юмшунгиз борми? - дея сўрадим улардан.
- Ҳа, шундай денг, - шу гапимдан кейин Бахром ака изига қайтиш ўрнига негадир ичкарига қадам босди. - Менга қаранг, тунно кун хотинимга бир нималар дегандай бўлибсизми...
Қўшнимдан бирор ёмонлик кутмаганим учун унинг бу гапи-

- дея судрай бошлади.
Юз берган тўхмат балоси бир нав, давангирдек эркакнинг мени судрашини масҳаромиз нигоҳларини чангаллидан қутулишга уриндим. Қани энди қўйворса... Тортиқлай-тортиқлай уйига олиб кирди...
- Ака, ахир мусулмонсиз-ку, шайтонга ҳай беринг...
Унинг қўлидан бир амаллаб чиқиб, ўзимни дарвозага урдим. Кўз очиб-юмгунча кимсасиз кўчада оломон йиғилди. Ёш-ялангу кексаларнинг масҳаромиз нигоҳлари мени таъкиб қилиб, кузатиб турарди. Ортимдан эса дугонам, Бахром аканинг хотини кириб келди. "Ҳа, писмик ўлгур, сени ўртот деб юриб, илонни бағримга босган эканман-да", - дея юмта талай кетди Рихси ҳам. Қани, энди унинг гапларига бир оғиз жавоб қайтаролсам... Рихси мени шу кун қарғай-қарғай чиқиб кетди. Шу куннинг ўзидаёқ маҳаллада "Бахром Дияра билан "юраркан" деган овоза тарқалди. Шу кун турмуш курганимиздан бери биринчи мартаба катта жанжал бўлди. Эрим: "Мен бу иснодга чиқолмаман", - деб сочларимдан тортиқлаб, судраб дўппослади. Шундан кейин ҳўжайиним мендан ҳазар қиладиган бўлди. "Сенга нима кам эди, нима учун бузуқ йўлга кирдинг? Сен билмабсан юрши йўлини, мен сенга юршини қанақалигини кўрсатиб қўяман", - деб очик-ойдин аёллар билан "юра" бошлади. Мен эса

ни олиб онамникига кетиб қолдим. Ҳўжайиним ҳам орқамдан излаб келмади. Охири, қариндош-уруғлар орага тушиб, бизни яраштиришди. Мен турмуш ўртоғимга "юз берган воқеани оғизимга солмаслигини" ни айтиб, шу шартга рози бўлганча уйга қайтдим. Оилам тикланди. Гарчанд эрим менга ваъда бериб, мен билан ярашиб кетган бўлса-да, мендан қандайдир ўзини тортишини сездим. Лекин, орадаги фарзандлар боис чидашга мажбур эдим. Қадимгилар "ўт балосидан, сув балосидан, тўхмат балосидан асра-син", деб беҳиз айтишмаган экан. Мени, оиламни шаънини ерга ургани, тўхматга қолдириб ўзини оппоқ кўрсатган қўшинини кунутун Худога солиб, ҳаққа ёлвордим.
Ҳеч ким кўрмасаям Худо кўркан. Кунларнинг бирида маҳаллада "Бахром қўшни қишлоқдан мол ўғирлаб қўлга тушибди", деган гап тарқалди. Кўп ўтмай у тўққиз йилга кесилиб кетди. Бир кун эса хотини менга хат олиб чиқди. "Менга ҳеч кимнинг хати ҳам, гап-сўзи ҳам керакмас, мени тинч қўйинглар, ўқимайман", - дедим. Рихси увос тортиб йиғлаб юборди. "Шўрим қўрсин менинг, биронинг хотинига тўхмат қилиб, бошига шу кунлар тушди, илтимос сендан, ҳеч бўлмаса, бир марта ўқиб кўр... Болаларимга раҳминг келсин", - деди. Хатда: "Мени кечир, сенда айб йўқ эди. Мени кечир...", - деб ёзилган эди. Мен ин-

ахир ундайлар ичимизда ҳам яшаб юрибди-ку", - деди менга кўз кири билан қараб. Ҳамма овсинларим ошхонани бошига қўтариб, қулиб юборишди. Биласизми, ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим... Йиғлаб, болаларимни олдимга солиб уйга кетиб қолдим. Кечқурун эрим келган: "Қачонгача мен юзи қаро бўлиб юрвераман бу уйда? Ҳали у кун бермайди, ҳали бу кун бермайди - одам ҳам шунчалик бўладими? Менга ишонмас экансиз, мен билан ярашиб нима қилардингиз?" - дедим. Эрим миқ этмади. Шу воқеадан кейин эса қайнонамнинг уйидан ҳам оғим узилди. Бу кўнлар-ку ўтиб кетар, аммо ҳозирги вақтда мени бошқа бир муаммо қўйнапти...
- Яна нима бўлди?
- Биласизми, мени бу оилада етти йилдан буён ушлаб турган нарсаси - бу болаларим. Уларнинг ота меҳрига зор бўлиб қолмаслигини учун мен ҳамма гап-сўзга, эримнинг қовоқ-тумшугига чидаб келаётгандим. Ҳозир тўнғич ўғлим Самарқанддаги лицейларнинг бирида ўқийди. Кейинги кунларда негадир шашти паст, қайфияти ёмон кўринди. Ўқишда бирон гап бўлдимни деб борсам, курс раҳбари ўғлимнинг ўзлаштириши ҳам ёмон аҳволдалигини, хаёлпараст бўлиб қолганини айтиди. Бу гапни эшитиб ўзимнинг ҳам руҳиятим тушиб кетди. Ўғлим келгач, унинг кўнглига қўл солдим. Болам ҳатто менга ҳам сирини

мени ҳам қаттиқ ўйлантириб қўйди. Айни дамда эса олис масофадан дардидаги малҳам излаётган, юраги чексиз изтиробга тўла нотаниш аёлга юракдан ачиндим. Энг ачинарлиси эса, бир оғиз сўз туфайли катталарнинг юзига қараб сарғаяётган болалар тақдири... Биронинг гуноҳи шун қилаётганини ўз кўзинг билан кўрмасдан, қўлинг билан ушламасдан гапириш энг оғир гуноҳ-ку, деган ўй ўтида ҳаёлимдан. "Шунча қийинчиликларга сабрингиз этиб, бардош берибсиз, буёғига ҳам матонатли бўлинг. Ҳақиқат эгиладую, лекин ҳеч қачон синмайдиган. Болаларингизни руҳини кўтаринг, эрингизга яхши сўзлар билан тушунтиринг - ажабмаски, кўрмагандек бўлиб кетсангиз... Умид қилинг, тушункиларга тушаман. Зеро, ҳақ гап албатта қарор топади. Сиз ёлғиз эмассиз-ку. Фарзандларингиз, уларнинг келажаги сиз билан бирга. Шундай экан, бардам бўлинг", - дедим.
Аёл миннатдорчилик билдириб, гўшакни қўйди. Мен эса бир оғиз сўз туфайли бутун бошли оиланинг бошига қулфат солган, солаётган кимсалар ҳақида ўйлаб қолдим. Қизиқ, менинг ўрнимда сиз бўлганингизда қандай маслаҳат берад эдингиз, азиз газетхон?

Фарида ТОХИРОВА

Отаназар Матназаров билан Мас-тура Мирмақсудова 1986 йилда турмуш қуришди. Ўшанда тўйга тўпланганлар уларни узукка қўз солгандай бир-бирларига мўълигу бошқа фазилатлари ҳақида қувонч билан гапиришди. Уларга бахт-саодат тилашди, фарзандли бўлишлари, қўша қаришларини сўрашди.
Икки ёш учун қилинган тилақлар рўёбга чиқди. Улар ахил яшашар, бир-бирларига муносабатлари худди эртақлардагидек жобажо эди. Вақти-соати келиб фарзандли бўлишди. Кейин уларга яна бир бор ота-она бўлиш насиб этди. Шунда эр хурсандчиликданми, уйига ичиб маст бўлиб келди. Эртасига яна шу одат такрорланди. Кейин яна ва яна. Хотини: "Ичиб келишингизни бас қилинг", - дейшини қўймади. Эр ичиб келишини. Шу тарзда орага совуқчилик тушди. Айтишувлар жанжалга айланди, рўзгордан барака кетди. Охири бўлмади. Эр-хотин ажрашишга қарор қилишди. Ажралишди.
Лекин эр хотиннинг номига берилган Шайхонтоҳта мана Ибн Сино мавзесидаги уйдан кетмади. Расман ажраларга бўлса ҳам унинг уйда яшайверди. Ичкиликка муккасидан кетган эр ишдан бўллади. Ўзига пул керак пайларда ёлланма иш топди. Кунда топганини эса кунда ичиб юрарди...

Ўша кун ҳам у "иш"га чиқиб, бир ярим минг сўм пул топди. Айтишига кўра, 500 сўмини хотинига берди. Ўзи эса қайф ҳолда ухлаб қолди. Эрталаб чўнтагини қараса, қолган минг сўми йўқ.
- Сен олгансан, бер! - деб ўшқирди хотинига.
- Йўқ, мен олмадим, - деди хотини ҳам қатъий туриб.

ЖАҲЛ -

- Унда ўлдираман! - эр шундай дея рўзгор пичогини олиб хотинининг дуч келган жойига қараб ураверди. Бун қўриб турган 12 ёшли ўғли иккинчи гуруҳ ногирони бўлиши онасига қўшилиб додлади. Шунда ногирон она ўғлига эшик қалитини отаркан деди:
- Қоч ўғлим, тезроқ қочиб қол. Бўлмаса бу ваҳший отанг сени ҳам ўлдириб қўяди! Бахтли бўл, болам, алвидо!
Бола онасидан қалитни олиб эшикни очаркан, қўлида қонга бўялган пичоқни тутган ота унга қараб қолди. Нияти уни ҳам ўлдириб, қилган қотилликка гувоҳ қолдирмаслик эди. Лекин улгуролмади. Бола қочиб йўлакка чиқиб олди.

Жиноят ва жазо

Уй ичидagi қий-чув, дод-фарёдни эшитган қўшнilar йиғилиб эшикни тақиллатишди. Лекин ҳеч ким очмади. Йўлакда йиғлаб ўтирган бола эса уларга бор гапни айтиб берди. Милицияга хабар беришди.

АҚЛ ДУШМАНИ

Осойишталик посбонлари етиб келишганида бечора она қонга бўялиб, ўлиб ётарди.
Суд қотилга жазо тайинлашда содир этган жиноятнинг характери ва жиноят учун хавфлилик даражасини, унинг узоқ йиллар мобайнида фойдали ижтимоий меҳнат билан шуғулланмай юрганини, оиласига ҳеч қандай моддий ва маънавий ёрдам кўрсатмай келганлигини, турмуш ўртоғи билан ажрашган бўлса-да, унинг уйига муттасил маст ҳолда келиб, фарзандларининг олдида уриш-жанжал қилишини, болаларининг тарбияси билан умуман шуғулланмаганлигини ҳисобга олди. Шунингдек, жиноятчига турар жойидан салбий тав-

сифнома беришганлиги, мазкур қотилликни жисмонан оғир - иккинчи гуруҳ ногиронига нисбатан унинг танасига 21 марта пичоқ уриб қилганлигини, пушти камаридан бўлган фарзандини ҳам ўлдиришга чоғлангани, бироқ ўзига боғлиқ бўлганма сабабларга кўра уни амалга оширолмаганлигини ҳам кўзда тутди. Шу билан бирга марҳумога берилган ижобий тавсифномаю икки норасида фарзанднинг боқувчисиз қолганлигини инобатга олиб, суд унга энг олий - ўлим жазоси беришни лозим топди.
Тўғри, суд жараёнида судланувчи бу қотиллигини қўл устидида қилиб қўйганлигини, ундан қўл пушаймонда эканлигини айтди. Бироқ, энди кеч эди. Шундай қилиб бири-бирдан ширин-шакор норасида фарзандлар ҳам отасидан, ҳам онасидан ажралди. Энди уларнинг кўз ўнгиди қўлида онасининг қип-қизил қонига бўялган пичоқ тутган отасию, жон таслим қилар чоғида: "Қоч, ўғлим, тезроқ қочиб қол. Бўлмаса бу ваҳший отанг сени ҳам ўлдириб қўяди!.. Бахтли бўл, болам, алвидо!" - деб илтижо қилаётган онасининг сиймоси сақланми қолади.

Мурод КАЛОНХОН

СЕВГИНГИЗ УЧУН КУРАШИНГ

Синглим Нигора, мен сизнинг ёзган ушбу қалб изтиробларингизни қайта-қайта ўқидим. Менинг ёшим 23 да. Мен севганман-севилганман. Сизга берадиган маслаҳатим шун:

Авалло яхшилаб ўйлаб кўринг, сўнгра ўз хулосангизга биноан иш тутинг.

Агар сиз ҳақиқатан ҳам уни севсангиз бунинг учун курашинг. Агар орқага қайтсангиз севилганлар оламига доғ туширган бўласиз. Ота-онангиз масаласига келсак, мени сизга эмас уларга маслаҳатим, ҳурматли ота-оналар сизларни ҳеч қачон қизингизга Оллоҳ муҳраб бермаган. Сизларга қисқана қилиб айтсам, гап-сўзларга эътибор берманг-да, қизингизни бахтини ўйланг. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринглар, сизлар бировни севмаганмисиз? Ёшлигингизда бошингизга муҳаббат савдоси тушмаганми?

Мардлик қилиш ҳар қандай одамнинг ҳам қўлидан келмайди. Қизингизни қўлини сўраб келган бир инсонни, оstonангиздан ҳатлаб келган бир меҳмонни ҳақорат қилиш бу инсофдан эмас. Мана шу гап-сўз қиладиган одамлар орасида: "Меҳмон - отангдан улуг", - деб бўрттириб айтиладиган мақол ҳам бор.

Менинг дадам: "Оstonангдан ҳатлаб келган одам душманинг бўлса ҳам унга хушму-

омала бўлгин", - деганлар.

Қизингизнинг айби севганлигими-севилганлигими?

Қизингиз агар кўр, ғилай, бир қулоғи йўқ бўлиб туғилганда нима қилардингиз? Қизингизни севиб севилганлиги учун Худога шукр деймасизми?

Севиш ва севилиш ҳар қамма ҳам на-сиб этавермаслигини биласизми? Қизингиз ўз бахтини йўқотиб қўйишдан қўқмайсизларми?... Севиш ва севилиш нақадар буюк бахт! Эҳ буни мазмунини тушунсангиз эди. Ота-оналарга яна бир нарсани эслатиб қўймоқчиман, ота ёки она бўлиш ҳам жуда катта бахт. Ўша йигитни қизларига оналик қилиш бу жуда катта савоб. Шахсан мен буни Оллоҳ томонидан берилган иноят деб биламан. Қуръони каримда айтилган:

"Етим бошини силасанг - Оллоҳ сенинг бошингни силайди". Шунинг учун сизлардан жуда катта илтимос азиз ота-оналар, ўз фарзандингизни бахтсиз бўлиб қолишига йўл қўйманг. Фақат сизларга эмас бошқа ота-оналарга ҳам маслаҳатим - ўз фарзандингиз қалбига қулоқ тутинг.

Аҳмадилло ҲАЙДАРОВ

Андижон вилояти,

Пахтаобод шаҳри

"Юрак дардига чора борми?"—1-сон

ЭСЛАТМА: Бир йигит билан икки йилдан буён гаплашиб юриб, севиб қолдим. У акаминг дўсти. Фақат... у уйланиб ажрашган, икки фарзанди бор. У ҳам мени яхши кўради. Лекин уйимиздагилар муносабатимизга қарши. Қандай йўл тутсак, ота-онам бизни муҳаббатимизга рози бўлиб оқ фотиҳа беради...

НИГОРА

СЕВГИ ҚЎРҚУВГА МУТЛАҚО ЗИД

Нигорахон! Сизнинг хатингизни бир эмас, бир неча бор ўқиб чиқдим. Ҳаётнинг мураккаблиги-ю, сизнинг қалбингизда уйғонган муҳаббат машаққатлари мени ўйлантириб қўйди. Сизнинг газетани ўқийдиган одамларга ҳаяжон ва йигидан намланиб, умид билан қараётган кўзларингиз тасаввуримда пайдо бўлди. Қани, кимдан менинг дардимга малҳам бўлувчи сўзни, маслаҳатни эшитарканман, деб юрак ютиб қутаётганингизни сезиб турибман.

Аммо, афсуслар бўлсинки, бундай ҳолатларда бировлар берган маслаҳат билан иш тутиб, янада каттароқ хатога йўл қўйиб ва бундан бир умр афсус-надомат чекиб ўтиш мумкин. Чунки, ўтган вақт, умр ҳеч қачон ортга қайтмайди. Демак, ёш-лиқда қўйилган хато қадамни кейин тузатиш қийин. Тузата бошлаганингизда у албатта бирор йўқотишга олиб келади. Шунинг учун сиз дуч келган ва гўё ечимни йўқдек кўринган ҳаёт муаммосини фақат ўзингиз ва сиз кўнгли қўйган йигит ечишга қодирсизлар, холос.

Келинг, мен яхшиси ҳаётимда қузатган бир воқеани айтиб берай. Маҳалламизда балоғатга етган қизини ота-она совчи юборган йигитга унаштириб қўйишди. Аммо, тўй ақинлашиб қолган кунларнинг бирида қизнинг бошқа йигит билан

қочиб кетганлиги-ю, у билан турмуш қурганлиги бутун маҳаллада шов-шувга, катта "дув-дув" гапга сабаб бўлди. Қараб-сизки, қизнинг ота-онасининг биринчи навбатда бўлажак кудалари олдида юзлари шувит. Ота-она розилигисиз шу йўлга қадам қўйган қизини онаси тинмай қарайди, отаси жажал устида "менинг бундай қизим йўқ, битта қизим ўлди" тарзида фарзандидан воз кечади.

Албатта, ота-она, ака-укалари юзини ерга қаратган қизга ҳам осон эмас. У ҳам эрта-ю кеч шу ҳақда ўйлаб, гоҳида пана-панада, хилват қолганида йиғлаб-йиғлаб, юрагини қийнаган аламини енгиллатиб оларди. Орадан йиллар ўтиб улар фарзандли бўлишди. Юракларни қийнаб келаётган дардлар қисман унутилди. Чунки, қизнинг севган йигити билан яшаётгани, ширин турмуш лаззати унга яшашга, қийинчиликларни енгиллашга мадад берад эди.

Нихоят, қизнинг ота-онасида ҳам фарзанд меҳри устун келди чоғи, улар қизларини ва невараларини қўришга келишди. Бир-бирларини дийдорларини қўриб ҳаммаси эсдан чиқди-кетди. Ҳозир эса гўёки бир неча йил олдин бу воқеалар бўлмагандек, бу оилага ҳамма ҳавас билан қарайди. Борди келдиларек ҳам ҳеч қандай узилиш йўқ.

Уларни кўрганимда рус ёзувчиси Александр Куприннинг "деярли ҳар бир аёл севги бобида энг юксак жасоратларга ҳам қодир", деган сўзлари эсимга тушади.

СИЗГА ФАҚАТ БАХТ ТИЛАЙМАН...



Хурматли синглим Нигора! Сизни дунёга келтирган, сизни шундай пок юрак, қалби тўла меҳр қилиб

тарбиялаган ота-онангизга минг раҳмат. Оллоҳ уларни умрини узок, ризқини улуг қилиб яратган бўлсин. Сизни олдингизда, ота-онангиз олдида бошим ерга етгунча таъзим қиламан. Сабаби ҳар қандай қиз ҳам уйланган йигитга турмушга чиқиш ва бошқа аёлдан туғилган гўдакларга оналик қилишга рози бўлавермайди.

Мен Оллоҳдан шуни сўрайманки, Оллоҳ ота-онангизга инсоф берсин, икки норасида гўдакка нисбатан улар қалбига меҳр уйғотсин, улар сизларга чин кўнгилдан оқ фотиҳа берсинлар.

Нигора, мен ишонаман, Сизни ота-онангиз дунёда тенги йўқ ажойиб, қалби меҳрга тўла инсонлар. Улар жуда меҳрибон ва сизни яхши кўришади. Отангиз сиз ўйлаганча қалби бағри тош эмас. Ҳар қандай ота-она ҳам фарзандининг бахтли бўлишини хошлайди. Ўзбекчилик деб андишага бориб турган бўлиши мумкин. Лекин улар сизни албатта ту-

шунадилар. Сиз севиб қолган йигитни янада яхшироқ суриштириб ва сизни бахтли қила олишини билишиб, албатта рози бўлишади, деган умиддаман.

Мен ишонаман-ки, сиз бундай воқеалар, яъни бировни боласига оналик қилиб, уларни бахтли қилиш, ўғай эканликларини билдирмаслик фақатгина китобларда ёки киноларда эмас, ҳаётда ҳам борлигини исбот қиласиз.

Яқинда ойнаи жаҳон орқали бир аёлни кўрсатишган эди. Болалари ўғай экан, лекин бунинг ҳеч қандай исботи бўлмади. Болаларни шундай тарбия қилган-ки, ҳатто болалар оналари ўғай эканликларини билишмаган. Ўз онамиз деб юришган. Энди болалар воғая етиб ақли-хушини таниганларида у аёл қиёмат-қарз деб ўзлари билдирибдилар. Болаларни қабристонга олиб бориб оналарини қабрини зиёрат қилдириб айтибдилар.

Буни қўриб ўша аёлдан, ўзбек аёлидан қанчалик фахрланганимни билсангиз эди. Бизни ўзбек аёлларининг қалби дарё, қалби меҳрга тўла деб дунёга жар солгим келганини билсангиз эди.

Нигора, мен сизга фақат бахт тилайман. Ишонаман-ки, сиз кўнгли қўйган йигит сизни еру-қўкка ишонмай бошларидан кўтариб, дунёдаги ҳеч қандай аёл эриша олмаган даражада ҳурмат қилади ва сизни бахтли қилади. Сизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром ила, "Оила ва жамият"нинг ашаддий мухлиси

АБДУКАРИМ

Андижон

Сиз-чи, Нигора, сиз ҳам қодирмисиз?

Энг оғир ва сизни ўйлантирадиган хавф эса сизга кўринмайди, яъни сиз севдим деб қийноқларда қолганингизни у йигит билади, сизнинг қадрингизга умр бўйи ета оладими? Борди-ю, оила курсангиз турмушининг бир-иккита машаққати-синовидан кейин адашган эканман, деб афсусланмаслигингизга ишончингиз қомилми?

Ана шунга ўхшаган саволларни ўзингизга беринг ва уларга тўғри жавоб топдим деб ҳисобласангиз, бир қарорга келишингиз мумкин бўлади.

Сабр-тоқат билан иш тутсангиз дадангиз ҳам, онангиз ҳам сизни тушуниб қолишар. Чунки, уларни қийнаётган нарсаси - ҳали турмушга чиқмаган қизларнинг ажралишган йигитга турмушга чиқиши ҳаётда учрамайдиган ҳодиса эмас-ку! Йигитнинг қиздан 5-7 ёш катта бўлиши эса фақатгина ҳаётнинг эмас, балки инсон организмнинг табиий-биологик талабларидан бири эканлигини фан аллақачон исботлаб берган.

Сизнинг муҳаббатингиз йўлидаги энг катта тўсиқ - ўзбекчилик урф-одатига келсак, қадимги Рим файласуфи Вергилийга қулоқ солайлик: "Муҳаббат ҳамма нарсани енгади, унинг ҳукмига биз ҳам таслим бўла қолайлик", - деб хитоб қилган экан у. Унинг гаплари ҳақиқат эканлигини ҳаёт кўп марта тасдиқлаган.

Орзумурод ҲАМРОЕВ

АЁЛ ҚАЛБИ НОЗИК БЎЛАДИ

"Мактубларингиздан бири"—42-сон



Дурдона! Тўғриси айтсам, сизнинг ҳаётингиз ҳам меникига ўхшаркан. Фарқи шундаки, менинг турмуш ўртоғим ичмайди. Эрим ўзимдан ўн ёш катта. Ота-онам: "Аёл киши қандай бўлса эри уни ҳурмат қилади, ўзи ҳам тез қаримайди", - дердилар. Аммо эркеклар рашк қилиб, гап билан эзавериш аёлни қаритиб ҳам қўяркан. 23 ёшдаман.

Ўқимаганман, ишламайман. 6 ёшли қизим ва 3 ёшли ўғлим бор. Уларни богчага бераман. Эримнинг қизганчилигидан қўни-қўшиникига ҳам чиқолмайман. Чунки ҳар дақиқда уйга қўнғироқ қилиб туради. Асабийлашадиган бўлиб қолганман. Ҳатто, поликлиникага чиқсам, ўша ерга ҳам излаб боради. "Қизгон-чиқ эр ўлгунча қизғонади", деганлари рост экан. Турмушга чиққангиздан буён бир жойга олиб бормаган. Тўрт девор орасида ўтираман. Яхшиямки газета-журналлар бор экан. Зерикканимда ўқийман. Лекин ёшгина бўлиб "невроз" бўлганим алам қилади-да. Эрим бўлса: "Ишим юришмаяпти, сен намоз ўқи!" - дейди. Ўқияман. Ўзбек аёллари хокисор бўлишади. Эрни ҳурматини жойига

қўяди. Эркаклар-чи? Гоҳида "Дод!", - деб йиғлаб оламан. Ота-онамга аҳволимни тушунтирсам: "Қизим, бизни шарманда қилма, чидагинг", - дейди. Дадам уй-жой, машинагача олиб берган. Етишмовчилик йўқ. Ҳар бордингизда қўлимга пул беради. Ҳозиргача бизларни қийинтиради. Эримни яхши кўрмаганимда ҳалигача ажрашиб кетардим.

ЭСЛАТМА: 20 ёшимда ўзим билан тенг, мени яхши кўрадиган йигитга турмушга чиқдим. Лекин тўйдан сўнгра турли можаролар бошланди. Эрим мени ҳаммадан қизғонади, йўқ жойдан жанжал чиқаради. Бу орада 2 фарзандли ҳам бўлдим. Лекин у сира ўзгармади - топганини ичкиликка сарфлайди, бирон бир тинч кун йўқ - жанжал, ур-сурдан бошим чиқмайди. Қандай маслаҳат берасизлар, бундан бу ёшига ҳам умрим шу зайлда ўтавериши керакми ёки ажралиб қўя қолганим маъқулми?

ДУРДОНА

Сингилжонлар! Ҳеч қачон эрга тегишга шошилманг. Аввал ўқинг. Оқ-қорани ажратинг.

Эҳ, эркеклар, эркеклар. Наҳотки аёл қалби нозиклигини тушунмасангиз. Аёлнинг қовоқ-тумшук қилмасдан, бир даста гул тутинг! Икки оғиз ширин гапингизни улардан дариг тутманг.

СУЛТОНА

Фаргона

«Oila va jamiyat» ни ўқигач...

ОЛЛОҲДАН ФАРЗАНДИНГ КАМОЛИН СЎРА

Мен яқиндан бери шеърлар ёза бошладим, тўғриси айтсам, "Оила ва жамият" газетасини ўқиб бошлаганимдан бери. Ҳаётда қийналган, турмуш ўртоқлари ташлаб ўзга аёлга кетган ёки эридан жабр қўриб яшаётган опа-сингилларимизнинг дил изҳорларини ўқиб, уларга қандай далда беришни билмай қоласан киши. Оллоҳ уларга сабр берсин. Баъзан адашган опа-сингилларимизнинг қалбига Оллоҳнинг ўзи поклик солсин.

Азизам, мунисам, мўътабаргинам,

Дугонам, синглимсан ё опагинам,

Азизим қалбдаги армонни ҳайда,

Ғам, алам, хижронни сугуриб ташла.

Кўздаги ёшингни кўрмасан ҳеч қани,

Душманинг устингдан кулмасин, билким.

Сени бугун ёмон деб, четга чиқариб,

Ўзгани сочини силабди ёринг.

Юрагингни нечун топтади ёринг?

Азизам, мунисам, мўътабаргинам.

Оллоҳдан фарзандинг камолин сўра,

Фарзандларинг улғайиб, камолга етиб.

Кўш қанотинг бўлиб қўкка кўтарар,

Дил яранг битганда, ғам унутилиб.

Пойингга бош уриб келар саргардон,

Сени ташлаб кетган бевафо нодон.

ГУЛНОРА

Тошкент тумани

ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР



**Муҳтарам устозимиз
Фахриддин Сулонович
НАМАЗОВ!**

Сизни 35 йилнинг билан
қутлаймиз. Сизга бахту,
хонадонингизда тинчлик тилаймиз.
Дуо! Турмушда туринг.

Тошкент Давлат юридик
институтини талабалари



**Хурматли
синглим
ЛОБАРХОН!**

Сени 23 апрел-
таблявуд кунинг
билан қутлаймиз.
Узоқ умр, бахт ва омад ёр
бўлсин.

Опанг Нилуфар ва поччанг
Китоб шахри

**Хурматли
ДИЛНОЗА!**

Сизни 20 апрел-турмуш
кунинг билан бини дидан
қутлаймиз. Оиламиз
бахтига сой бўлсин.

Хасановлар ва
Убайдуллаевлар
оиласи

**Азиз отахонимиз Мардон
ХЎЖАМУРОДОВ!**

Сизни 21-апрел - туғилган кунинг билан
табриклаймиз. Бахтингизда доимо сой бўлинг.

Талаба ўғилларингиз Акбарали
ва Аббос
Олтинсой тумани



**Қизим
ШАРИФАХОН!**

Туғилган
кунинг-ла
табриклаймиз.
Сой бўлсин!

Аданг, ойинг

ИАОЙИМ ЁТОН ТУШ КЎРМАЙЛИК

Ёшлгимда хосиятсиз ва кўнгил ранжитадиган
тушлар ҳақида гапиришса, ичимда "Астафурил-
лох" деб, уша туш тафсилотига эътибор бермас-
ликка интилардим, лекин бир неча кунгача дил-
лим гашланиб юрдим.

Бундан бир неча йил аввал жиян келинимизнинг
оналари ёш бўлишлари қарамай, тўсатдан ка-
сал бўлиб, бу ёруғ дунёни эрта тарк этдилар. Эши-
тишимча, уша марҳуманинг ўзи ҳам, қизи ҳам ўлим-
дан бир неча кун аввал тушларида участка қурила-
ётганини кўрибди.

Демак, тушда қурилган уй-жой қабр тараддусининг
акси бўлиб чиқибди. 1981 йил 19 март кунини тонгга
яқин кўрган тушимдан алаҳсираб уйғондим: бир пат-
нисда турли сабзавотлар - бодрий, памидор, хил-
ма-хил ошқўқлардан чиройли салат тайёрланганини,
шунга кўл чўзганимни биламан (салат совуқ хабар
белгиси экан-да), тўсатдан эшик очилиб, ўғринамо
одамлар дарвозамиздан кириб келаётганмиш. Улар-
дан кўриб қочаётганимда уйғониб кетдим. Эртасига
20 март кунини кечкурун соат 7 ларда уйимизга совуқ
хабар олиб келишди: сопа-соғ юрган онажонимни
"Гунча" кинотеатри олдида машина уриб кетганмиш.
Қонқақшаганча меҳрибонимдан ажралиб қолдик.

Халигача "Эвоҳ, уша тушни кўрмасам, азиз она-
жоним вафот этмасмидилар?" - деб ўкинаман, бу
ҳам Оллоҳнинг иродаси экан, кўнмай иложимиз
қанча.

Эҳ, онажон! Уруш йиллари марҳум отамиз уруш-
га кетганларида биз беш ўғил-қизини емай еди-
риб, хотин бошингиз билан боқдингиз... Эндиги-
на озгингиз ошга етганда бошингиз тошга текка-
нига чидолмайдим.

Ҳамон онамнинг аянчли вафотларини эсласам,
қалбим алланечук тирналадию, Юлдуз Усмонова-
нинг ҳазин хиргойиси қулоқларим остида жаран-
глайверади:

**Онажоним бошимда туңлар,
Оромимни кўриб чиқасиз.
Парваришлаб туңлари бедор,
Сочларимни ўриб чиқасиз.**

Оллоҳим ўзи раҳматига олган бўлсин Сизни!

Бошқа бир совуқ тушни опам Нафисахон касал
бўлиб ётганларида кўрдим: тушимда бир неча йил
муқаддам бандаликни баҳо келтирган қайнотам икки
кўлларида тўрхалталарга тўлдирилган йирик-йирик пи-
ёзаларни қийналиб кўтариб келаётганмишлар. Мен
бўлсам қўярда-қўймай кўлларимдаги бир халта пиё-
зан ёрдам бериш мақсадида олдим.

Ўзимча, бу тушни "Ўлик кўрган тирик кўради"
нақлига йўйдим. Аксинча, пиёз аччиқлик белгиси
бўлса кераки, ҳеч қанча вақт ўтмай, минг афсус-
лар бўлсинки, аччиқ-аччиқ йиғлашимизга сабаб
бўлган ўлимга дуч келдик: бетоб ётган онажоним
оламдан ўтдилар.

"Ўлик тушида нарса берса яхшилик белгиси, ак-
синча нарсани олса, ёмон бўлади", - дейишгани қуло-
ғимга чалинганди қачонлардир.

Демак, тушда марҳумдан пиёз олмаслик керак
экан-да!

Шундан буён туш кўришдан қўрқадиган бўлиб қол-
ганман. Илоийм ҳеч қайсимиз ёмон туш кўрмайлик.

Афифа ХАСАН қизи



ОИЛА-14

Ёшим 60 да. Тошкентликман.
Яхши нафақа оламан. Тартиб-ин-
тизомни яхши кўраман. Уй-жой,
боғим бор. Ўзбек аёлига хос яхши
фазилат эгасига уйланмоқчиман.

MAXIMDI Solutions - ҳар бир она учун зарурдир!
Буюртма бўйича: Тел: 58-95-89.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Хамза туманидаги 46-кечки ўрта мак-
табдан **Каримов Икром Абдулғайворович** номига берил-
ган **UZA №092657** рақамли аттестат йўқолганлиги са-
бабли бекор қилинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР

ComputerLand

ЎҚУВ МАРКАЗИ

Компьютерда ишлаш таълими (ўзбек ва рус тил-
ларида). **39 соат - 9000 сўм.**

1. Графика: **Corel Draw, Photo Shop, 3D Studio**
(якка тартибда).

2. **INTERNET** ва **E-mail** курси. **15 соат - 12000 сўм.**

3. Яқшанба кунлари **INTERNET** тармоғида эркин
саёҳат. **1 соати - 800 сўм.**

Халқаро намунадаги сертификат берилади.
МАНЗИЛ: Пушкин к., 7-уй, 2-қават.

Тел: 133-14-64, 133-14-98.

МЎЛЖАЛ: "Амир Темура" метро хибони.

ҲИЖРОНИИ СЕЗГАН ГҮЛ

Мағрурликнинг этагини **АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ**

тутдим-у, ҳаётим қувончи-
севгилимдан воз кечдим. Уни ташлаб Тошкентга ўқиш-
га келдим. У билан бирга севган гулим ҳам қишлоқда
қолиб кетди. Яқинда уйимдан хат келди. Унда синглим
қўрқа-писа ёзган сатрлар бор эди. "Опа, сиз яхши
кўрган... гулингиз сўлиб қолди", - деган жумлани ўқиб
титраб кетдим. Тўрт йилдан бери сирларимни тўкиб-
солиб, бор муҳаббатимни бериб улғайтираётган бах-
тим ҳам мени тарк этган эди.

Ардоқли дўстим 10 ноябр кунини сўлиб қолибди. 21
ноябрда эса бирдангина хазон бўлибди. Чунки шу сана-
лар ичида боқира туйғуларимни ивгою тухматларга ал-
маштирган номард уйланибди.

Синглим бу сирни дугонамга айтибди: "Опам шу гули-
ни қанчалик эъзозларди, унга бир нималар деб пичирлар,
биронтанизи кириб қолса, жимиб қолар, оқшомлари тер-
мулиб чиқарди. Уни ҳатто ўзидан ҳам қизғонарди", - дебди.
Дугонам ҳам гулингиз садоқатига қойил қолибди. Яхшиям-
ки у сўлибди, бўлмаса ҳар қадамда уни қийнарди дебди.

Сўнгги илжим ҳам мени тарк этганига қўнқолма-
дим. Лекин қишлоққа борганимда икки буюк бойлигим-
дан бирдангина жудо бўлганимни ҳис қилдим. Гўё гўзал-
лик ва муҳаббатнинг уйғунлашувидан юзага келган сароб
йўлларимни беэаб турарди. Эшиқдан менга нажотсиз ти-
килиб турган сурат севгим ва умидимнинг хазини эди.

КАМОЛА

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Роҳат кўли қаршисида
жойлашган, қуриб битказилмаган 600 кв.м. ер участкаси ар-
зон нархда сотилади. Тел: 42-43-10, соат 17.00 дан кейин.

"КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР" БИЗНЕС МАКТАБИ
Қуйидаги ўқув курсларга тақлиф қилади.

Уч ойлик курсларга:

Хисобчилар, компьютер таълими билан бирга; Инглиз
тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); Бола-
лар учун инглиз тили; Компьютер билимлари; Банк иши
ва компьютер.

Икки ойлик курсларга:

Замонавий бухгалтер хисоби;
Банк иши; Компьютерда ишлаш таълими
(WINDOWS 95, MS OFFICE 97, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА); Дас-
турлаш тиллари.

Бир ойлик курсларга:

1С: Бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими;
INTERNETга ўқитиш.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.
Манзил: Тошкент. Навоий кўчаси-11, 39-хона.
("Камолот" республика ёшлар жамғармаси биноси).
Тел: 41-59-74; 58-48-50

"ДИЛОРОМ"

Ўқув маркази тақлиф этади:
2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия хисоби.
3. Зардўзлик - бухорча.
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар ва эркеклар устки кийимларини тиқиш-би-
чиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия хисоби.
 2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).
- Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 114-хона.**
Тел: 144-03-25; 125-19-15. Мўлжал: "Алишер На-
воий" метро бекати.

"БЕГОЙИМ - СЕРВИС"

Азиз аёлларни ўқишга тақлиф қилади:

1. Массаж.
2. Замонавий урфдаги пардалар тиқиш.
3. Инглиз тили.
4. Сартарошлик.
5. Хамшираллик.
6. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
7. Компьютер.
8. Торт, салатлар тайёрлаш.
9. Косметология.
10. Қандолатчилик. (Кечки гуруҳ соат 17.00 дан бошланади)

МАНЗИЛ: Тошкент ш. Ўрда бекати, Анҳор бўйи кўча-
си 6-уй. Ўқини тугатганларга диплом берилади.



ҒАРЗАНДИМИЗ СОҒ БЎЛСИН...

Сизларга ушбу мактубимни ёзаяпману кўзларим
олдида очилмаган гулдек сўлган қизалоғим дардида
айрилиқ ёшларим қўляпти. Унинг мунчодек кўза-
ри, нажот сўрагандек мен томонга чўзилган қўла-
лари ҳануз ҳаёлимдан кетмайдди. Аслида-ку дунёга
келган ҳар бир инсоннинг тақдир пешонасига ёзи-
ларкан дейишади. Шундаймикан?..

Мен 1987 йили маҳалламиздаги ақлли, олижа-
ноб бир йигитга турмушга чиқдим. Кўп ўтмай киз
қўрдик. Кейин ўғилчалик ҳам бўлди. Орадан йил-
лар ўтиб яна хомиладор бўлдим. Бу галги орзула-
рим жуда бошқача эди. Лекин бир нарсаси астой-
дил меҳр қўйиш ҳам яхшиликка олиб келмас экан.
Мен бепарво бўлсам-да, ғарзандимнинг соғ-сало-
мат туғилиши учун қайнонам кўп ғамхўрликлар
қиларди. Бироқ хомиладорлик давримда уч марта
қаттиқ шамоллаб қолдим. Ҳар гал шифокорга у-
раганимда: "Болағизнинг юраги яхши эшитилма-
япти", - дейишарди. Очиғи бунга парво қилмагандим.

Хуллас, минг хил хаёллар билан юракканман, қиза-
логим ҳам дунёга келди.

Онажоним унга яхши ниятлар билан риску-наси-
баси бут бўлсин дея Насибхон деб исм қўйдилар.
Афсуски у туғма юрак хасталиғи билан туғилганди.
Не азоблар билан дунёга келтирган боламнинг май
ойига келиб аҳволи оғирлашиб қолди. Касалхона-
да уни реанимация бўлимига олишганда қай ҳолга
тушганимни бир кўрсангиз эди. Аслида туғруқхо-
надаёқ унинг умри қисқа эканлигини айтишганди.
Жажжигина қизалоғим икки ой давомида касалхо-
нада доволанди.

Бу орада тортган азобларни айтишга тилим ҳам
бормайдди. Кексалар "агар бола она сутини эмса,
умри узоқ бўлади" дейишар экан. Қизчам сув ич-
маса ҳам кўкрак эмарди-ку. Тунлари йиғлаб Худо-
дан боламга соғлиқ ато этишини сўраб ёлборар-
дим. Минг афсуски турли муолажалар ҳам фойда
бермади. Ширингина қизалоғимдан, қўзлари мун-

ХОТИРА - МУҚАДДАС

чоғимдан айрилиб қолдим.

Кейинчалик қайнонамнинг хомиладор пайтимда
нега мени асраб-авайламоқчи бўлганларини тушу-
ниб етдим. Бироқ энди кеч эди.

Ўзим айрилиқда ёнганим учун ёш, тажрибасиз
оналарга шундай дейишни истардим. "Агар фар-
зандингизнинг соғ-саломат туғилиб, умри узоқ
бўлишини истасангиз ўзингизни эҳтиёт қилинг.
Соғлигингизга бепарво бўлманг, акс ҳолда мен-
дек армонда қоласизлар".

Дунёдаги барча оналар ҳам фарзандларининг
қўзларида дард, мунг, азоб кўрмасинлар. Умид бил-
лан фарзанд ўстираётган оналар уларнинг қўзлари-
да қувончу-бахт ёдусини қўриб яйрасинлар. Ахир,
аёл учун оиласи, фарзандлари соғ-омон, уйи тинч
бўлмоқдан ўзга саодат бор эканими?

Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА

Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани

ОРТИНГИЗДАН ФАҚАТ ЯХШИ ҚОЛДИРИНГ...

(Боши ўтган сонда)

Мабодо қайнонамга бирор ишим ёқмай қолса, кўни-қўшни эшитиб уят қилар демасдилар, овозларининг бори-ча "дод" солиб, бошлариға одам йиғар, мени кўпчилик ўртасида уялтирардилар. Мен эса ёмон гапириб уларга бас келишим қийинлигини билардим, шунинг учун доим "ойижон, ойижон"лаб атрофларида парвона бўлардим. Хаётим шу тарзда маҳзун ўтиб борарди. Нима бўлса, ичимга ютишга мажбур эдим. Ёдимда, бир кўни уйимизда жанжал чиқди. Ушунда тўнғич фарзандимга ҳомиладор эдим, қайнонамга нимадир деб гапирган эдим, баалога қолдим. Улар менга гап қайтардинг, деб уриб кетдилар. Шу жанжал устига келиб қолган хўжайиним калтакка қўшилдилар. Улар мени қорнимга тепиб, илоийм мажруҳ туқтин, деб аёвсиз тепиб, кўчага ҳайдадилар. Қўлларидан бир амаллаб қўтулиб чиқиб, яланг оёқ, яланг бош, юз-қўлим тимдаланган ҳолда кўчага қочиб чиқдим. Жанжалдан кейин қай аҳволда оламники боришни билмасдим, тунги соат 3 лар эди. Узоқдан бир автобус қўринди. Ҳайдовчига йиғлаб-йиғлаб аҳволни тушунтирдим. Менга раҳми келиб ярим йўлгача ташлаб кетди...

Эртасига қизлик уйимга бордим. Борсам, не кўз билан кўрайки, қайнонам олим билан қақчақлашиб ўтирарди. Ойим билан қайнонам "сув бир лойка-ланиб тинади", деб юпатишиб, яна келинлик уйимга қўйиб кетишди. Мен аросатга тушиб қолганимни, барибир ҳам бу ердан кетолмаслигимни билиб қийналардим. Фарзандли ҳам бўлдики, ота-онам менга бешик олиб келишди. Қайнонамлар бундан ҳам гина топдилар, униса кам, буниси кам, дея... Бу орада мен иккинчи фарзандимга ҳомиладор бўлдим. Содик акам кўчада ким билан гаплашади, билдирмасдию, лекин баъзида "кўчадагилар барибир сендек бўлмайди" деб "кўнглимни кўтарарди". Бу ҳам ҳолва экан.

Бир кўни улар ярим кечаси келиб: "Юр, сенга кабоб олиб бераман", - дедилар. Мени эса ярим кечаси кўчага чиқишга оёғим тортибди. "Эртага борақолайлик", - дедим. Бироқ, улар сизга ҳам йўқлигини айтиб, бирга боришга ундардилар. Гапларини қайтаролмай, мастликларни учун бирга боришга қўндим. Тезда қайтаман-у, деб ўйлаб тунги қўйлакнинг ўзида чиқиб қўқолдим. Машинани катта йўл бўйида тўхтатиб, магазинга кириб сизгет олди. Сўнг бирпас айланиб келиш баҳонасида тез ҳайдаб кетдилар. Машинани бариб ўтди эса биз сира кутмаган ҳол юз берди: рўпарадан бир йигит чиқиб қолди, машина уни туртиб, қаттиқ уриб юборди... Йигит йўл четига учиб ҳарди. Қўрқанимдан

кўзларимни чирт юмиб олиб: "Машинани тўхтатинг", - дедим. Улар эса тўхтатиш ўрнига янада тез ҳайдардилар. Бир маҳал орқамиздан ДАН ходимлари етиб келди. Иккаламизни ҳам ўзларининг машинасига ўтказишди. Мен эса ўша аҳволда уйдан чиққанамга пушаймонлар қилиб, зор-зор йиғлар, кўз олдимдан бешиқда ётган норасида болам кетмас, устига-устак енгил тунги қўйлақда чиққанам учун тишларим бир-бирига тегмай тақилларди. Бир маҳал милиция ходимлари сизгет олиш учун магазинга кириб кетишди. Хўжайиним эса дарров мени машинадан тушириб метрога киришти кетди. Хуллас, бир амаллаб уйга етиб келдик. Рўй берган воқеалардан хануз ўзимга келолмасдим, фалокатни эслаб кўз олдим қоронғилашиб кетарди. Тун бўйи шу аҳволда мижжа қоқмай чиқдим. Биз миниб чиққан машина ўғирланган эди, шунинг учун бизни ҳам, машинани ҳам суриштирадиган одам бўлмай, босди-босди бўлиб кетди...

Орадан кўп ўтмади. Ўша қўрқув сабаб бўлдимки, дард тутиб қолди. Қайнонам менга ёрдам бериш ўрнига қўлимга 1,5 ёшлик қизчамни бериб, олдиларига солиб уйимга кетказиб юбордилар. Йўлда аччиқ дарддан азоб чекарканман, дам қизчамнинг хархашаси, дам қайнонамнинг: "Яна қиз туғсанг керак", - деган писандаларидан ўзимга келолмасдим. Эсон-омон кўз ёрдим. Болаганам 6,5 ойлик туғилдию, бу ёрғу оламнинг роҳатини кўрмай кетди... Фарзандимнинг қўздан анализ олишганда, касаллик чиқди. Ўша пайтдаги аҳволимни тасаввур ҳам қилолмайсиз: "Бир ношуд, хаёт нима, оила нима, фарзанд нимагиларни билмайдиган, беш дақиқалик нафси учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ота-онасию, ака-укаларини алдаб юрган инсонга ҳеч бало қилмайдию, бегуноҳ норасида касалликка учради", - дея аламимни кўз ёшларимдан олдим. Қизчам фақат 16 кун яшади. Мен ҳам шу давр ичида бир парча, мурғак одамчага меҳр қўйиб улгурибман. Унинг оламдан ўтганини билганимдан кейинги аҳволимни тасвирлаб ҳам беролмайман. Шундан кейин қизлик уйимга кетиб, даволана бошладим. Қайнонамлар кўп ўтмай бизни холи қўйгиларди келдимки, бўлак чиқаришди. Афсуски... бу ҳаётимиз оғирлашса оғирлашдики, енгиллашмади.

4 хонали уйга қўчиб ўтдик. Бир кўни хўжайиним тоққа дам олишга кетди. Биламанки, у ерда ҳам қимор ўйнаб, маишат қилиб келади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, рангларни ўчиб келдилар: қимор ўйнаб, катта пулга ютқазиб қўйганларини айтдилар. Мен уларга: "Майли, бўлар иш бўлибди, энди бирор жойга йиш киринг. Тинчгина яшайлик", - дедим. Улар индамай чиқиб кетганидан "кечкурун яна баяндай бўлиб келиб келади", - дея юрагимни ховуқлаб ўтирардим доим. Бир кўни иккимиз ҳам уйда эдик. Бир маҳал эшик тақиллади. Бир киши келиб: "Келин, Содик ўлди", - деди. Мен индамай хўжайинимга қарадим. У киши: "Йўқ деб айт", - дедилар секингина. Мен: "Улар уйда йўқ"

эди", - дедим. Шунда ҳалиги киши: "Сизга ачинаман. Сизга қўйин, эрингиз мени машинаним сўраб олувди. Келса айтинг, машинаним обориб берсин", - деди. У кетдию, "Сенга раҳми келган бўлса, тегиб ол", - деб эрим мени дўппослай кетди. Зўрга уларнинг қангаларидан қочиб чиқиб, пастга тушганимда қизим эсимга тушиб қолди. Яна югуриб чиқиб бориб, эримдан калтак ерканман, қўлларим билан қизчамни бекитиб ўтирардим...

Шундан кейин эшигимиз тинчмайдиган бўлиб қолди. Хар кўни турли-туман одамлар эримни қидириб кела бошлашди. Кейин билсам, улар катта микдорда қарз бўлиб қолган экан. Қиладиган ишлари машина ўғирлаб-сотиш, бу пуллари қимор ўйнаш экан...

Бу гап қайнотамнинг қулоғига етиб борди. Улар маслаҳатлашиб дангиллама ҳовили сотадиган бўлишди. Кейин билсам, биз яшаётган уй ҳам сотиб олинмаган экан. Опалари ҳам биттадан тилла тақинчоқларини сотиб пул йиға бошлашди. Мен бундан бўғиға нима қилишни, қандай яшашимизни тасаввур қилолмасдим... Эримдан бутунлай умидимни узган қуларимнинг бирда маст бўлиб келиб, шундай калтакладикки, аъзойи баданим кўкариб, бошимнинг гўрра бўлмаган жойи қолмади. Ўша кўннинг эртасигаёқ ота-онамининг уйига бориб: "Мен энди у билан яшайман", - дедим. Уйдагилар хайрон қолдишди. Сабаби, шу маҳалгача улар ажалгилар десалар, мени ўзим рози бўлмасдим. Бунинг боиси эса ота-онамининг "шу оиладаги қиз қайтиб келибди" деган маломатини эшитишини сира-сира истамаслигим эди. Қўним калтак билан ўтса, хўжайиним боқолмасе, устига-устак шунча пулни қаердан топиб беради, буларни ўйлаб аъзойи-баданимни муздек тер қопларди...

Кўп ўтмай турмуш ўртоғим билан ажрашдим. Икки ой ўтар-ўтмас эса эрим шунча қўрғулари етмагандек, бир қизни номусига тегбидилар. Уларни судга беришибди. Қиз ҳам пишиқ экан шекилли, "...тўловини берсанг аризани қайтариб олам", - дедим. Бироқ, Содик ака ҳам устамонлик қилдимки, ё Худодан бўлдимки, руҳий касалликлар касалхонасига ётиб олдилар. Одамлар эса ундан бунчи кутмаган шекилли, қарз берганлар-пулларидан, қиз эса-даъвосидан кечишга мажбур бўлди...

Мен бутун меҳримни, эътиборимни қизимни тарбиясига бағишладим. Ишга кирдим. Хар кўни ишдан кейин қизчамни еталаб, сайрга олиб чиқардим. Халоватли қўнларга етдим деб ўйлаган қўним иш-хўйимга қўлларини мушт қилиб Содик ака кириб келди: "Мақсадингизни айтинг, мени тинчлик керак", - дедим уларга. Улар бўлса: "Турмушга чиқмайсан, агар бировга тегсанг тириклайин сўйиб кетаман", - деб бўлса қилдилар. Шундан кейин доим изимни пойлаб юрадиган бўлдилар. Шу зайдла орадан 4 йил ўтди. Бундай юриш жонимга тегиб, бир кун: "Сиз билан яшашга ҳам розиман. Фақат ичшини, чекишни, қимор ўйнашни ташланг", - дедим уларга ялиниб. Хўп дердилару, яна ўзларини билганидан қолмас-

дилар. Уйимиздагилар эса менинг ёшим ўтиб бораётганини айтиб, бирортасига турмушга узатиш пайига тушишди. Менга катта-катта ёшдаги кишилар оғиз сола бошладилар. Уларга турмушга қизишни тасаввур ҳам қила олмасдим. Бир кўни уйланмаган йигитдан совчи келди. У: "Қизингизни ташлаб кетсангиз, сизни бахтли қиламан", - деди. Унинг ота-онасини ҳам не бир орзу-хаваси бордир, дея унга рад жавобини бердим. Орадан кўп ўтмай 3 боласи билан қолган, хотини ўлган кишидан совчи келди. Унинг ёшини эшитдимю, кўз олдим қоронғулашиб кетди... Яна рад жавобини бердим.

Бирин-кетин совчилар кўпайишди... Ҳаммасини фарзанди бор эди, улар боласини бир кунмас бир кун қидириб боради, хотини билан қўришади, кейин эса яна улар билан ярашга кетиши мумкин-ку... деган ҳаёлларга борардим хар сафар...

Бу орада шунча йилнинг қандай ўтиб кетганини пайкамай қолбиман. Қизим 1-синфга борди. Бир кўни ўртоқлари ундан: "Нега отанг йўқ?" - деб сўрашибди. Ўша кўни унинг зор-зор йиғлаганини кўриб, дунёга келганимга пушаймонлар чекдим...

Қайнотам касал бўлиб ётиб қолди бу ўртада. Улар қайинимни уйлантирган эди, янги тушган келин уларга кун бери-маётганидан қайнонам қўшинларга чиқиб шикоят қилибди. Мен гарчанд у хонадондан меҳр толмаган бўлсам-да, она бўлиб, ота-оналиқнинг заҳматини тушунардим. Ич-ичимдан уларга ачинардим, бироқ ёрдам беришга иложсиз эдим. Содик акам эса ҳамон ўша-ўша, таралла-бебод қилишдан қўллари бўшаймади...

Киши нима учун бу дунёда яшайди? Фақат бойлик берадими киши орзу қилган бахтни? Бахт деганлари нима? Яшайдан мақсад нима, обрў-эътибор топиб, мол-дунё йиғишми? Билмайман, бу саволлар қаршисида ўзим ҳам лолман... Мана, мени бошимга Аллоҳ қанчадан-қанча қийинчиликларни солди. Сабрим етганча барчасига бардош бердим, ҳаётнинг, яшашнинг мазмунини озми-кўпми тушуниб етдим. Бунинг учун мени тарбиялаган, қийин қунда қаноти остига олган ота-онамдан миндан-минг розиман.

Мактубини ёзишдан мақсад нима, дерсиз... Ўз ҳаётимдан кўриб, киши фақат сабр қилса муродиға етаркан деган хулосага келдим. Тўғри, мени ҳаётим бузилиб кетди. Фарзандимнинг келажагига ишончгина мени ёрқин ҳаёт сари умидлантиради. Бироқ, мен ҳаммаша Аллоҳдан ўзимга ва тақдирга ўхшаганларга бахту-саодат, тотув ҳаёт тилаб қоламан. Бизнинг ору-шаънимиз бўлган эркакларга эса мактубим орқали: "Азизлар, аёлингизни озгина бўлса-да ҳурмат қилинг, эъзозланг. Бу беш қўнлик дунёда фақатгина ақилларнингиздан топасиз меҳр-муҳаббатни, қолаверса, нима берсангиз-шуни оласиз... Ортингиздан фақат яхши из қолдиринг", - дегим келади...

ОЗОДА

ҚАНИЙДИ ЎЗ ОНАМНИ БИР КЎРСАМ...

Ёшим 23 да. Лекин шу ёшгача қувончли қўнлардан кўра қайғулиларни кўп бўлган. Сабаби балким туққан онамни ташлаб кетгани бўлса керак. Мен ўз тенгдошларим каби ўйнаб-қулишни, эркаланнишни орзу қилардим. Бунга ҳозирги онамнинг сержаҳлиги йўл қўймасди. Билишимча, онам мени чақалоқлигимда турғунонадан олганлар. Мактабдалик пайтларим дўгонларим билан кўпроқ ўйнаб қолсам, ёки арзиманган нарсаларни баҳона қилиб калтаклаб, қарғар эдилар. Синфдошларимнинг оналарига хавас қилардим. Ҳозир эса турмушга чиқканман. 2 та фарзандим бор. Тақдир тақозоси билан яна ўз уйимга қўчиб келишга мажбур бўлдим. Мен бунчи сира хохламаган эдим. Турмуш ўртоғимни ҳам бошқа қоралари йўқ эди. Ҳозир 3 хонали домда олим, мен, 2 фарзандим ва турмуш ўртоғим яшайми. Турмуш ўртоғим эрта кетиб, кеч келадилар. Уйда эса хар кўни жанжал. Онам бизнинг тезроқ чиқиб кетишимизни хошлайдилар. Онам: "Қаёқдан ҳам сенларни бошимга бало қилдим, келдиларинг тинчлигим йўқолди, қидириб йўқ бўлиб кетларинг", - деб хар кўни уришганлари уриш-

ган. Камроқ уришсинлар деб, катта ўлимни боғчадан кечроқ олиб келаман. Ахир қўшним ҳам 2 хонали уйда 5 та невараси билан ўтиради-ку. Болаларимни ҳам қарғангилари қарғанган. Бола-да, бипасдан кейин яна "ойи" деб ёпишади. Ойим бўлсалар: "Йўқол, ойинг ўлган", - деб ҳайдаб юборадилар. Мен эса уйда кириб кўз ёшларимни тийелмайман. Нима қилганда ҳам онам-ку, бир оғиз гапиролмайман. Гоҳида аламимни болалардан оламан. Ойим "Одамларни қувей, қизи фалон нарсаси олиб келибди, қўгани келса 2 та пакет тўлдириб келади, сенлардан менга нима фойда, ижарага бўлса ҳам қичиб кетларинг, бу шўх боланг билан қаёққа ҳам сизгидинг, қўчада хор бўлиб юришларинг керак эди. Мен сенларни киргизиб хато қилдим", - деб уришавердилар. Ахир бизни айбимиз нима? Турмуш ўртоғимни қўли калталигимми? Ахир, нахотки бахт фақат ёё-ичиш-у, қийим-кечақда бўлса? Турмуш ўртоғимдан бахтим бор экан. Ичмайдилар, чекмайди-лар, хатто бир оғиз сўкмайдилар ҳам. Рўзгоримиз ҳам бут. Гўштсиз қозон қайнаган кўни йўқ. Эримни олганда ҳам онам менга эримдан эшитмаган гаплар билан

беҳурмат қиладилар. Бегона кўни-қўшини олганда ҳам багиравердилар. Хар бир олиб берган нарсаларини миннат қилиб: "Олиб чиқ фалон нарсани, қўришин, айт мен олиб берганимни, қўзинг кўр бўлгўр", - деб уришадилар. "Сен хали қийинчилик қўрибсанми, хали ҳаммаси олдинда - болаларинг катта бўлсин, топганларинг кўчага совирилмасе рози эмасман", - дейдилар. Турмуш ўртоғим ҳам тушуниб қолганлар. "Қўвер, уй олиб чиқиб кетсак яхши бўлиб кетади", - деб овутадилар. Топишлари ҳам ёмон эмас. Яна озроқ чидааск уй олиб кетаримиз. Қани эди, тезроқ кетсак. Ижарага бўлса ҳам туриб, кейинчалик шу уйни сотиб олардик. Ҳозир ижара ҳам арзон эмас. Ойимни олдиларидеда ўтиришга мажбуримиз. Бечора ўғлим ҳам 3,5 ёшда. "Ойи, кетсак бу уйга келмаймиз-а?" - деб сўрайди. Лекин мен буларни ҳаммасига чидашга мажбурман.

Лекин менинг энг катта армоним бу - мени туққан аёлни қўриш. Ёшлигимдан эшигимиздан нотаниш аёл кирса, балки мени онам қидириб келгандир, деб севино кетардим. Қани энди шу аёлни бир марта бўлса ҳам кўрсам. Ҳаммасини унуттишга рози эдим. Бир марта ўз онам бағрида тўйиб-тўйиб йиғласам, дардимни айт-

сам эди. Юрагимдагини ҳеч кимга айта олмаман. Бундан турмуш ўртоғим ҳам баҳабарлар. Ахир қандай қилиб "Мени асраб олганлар", - дейман. Гоҳида турмуш ўртоғим: "Нега бўлар-бўлмасга уришавердилар, эрта кетиб кеч келсам, уйга фақат ётишга келаман, яхшиямки одамлардай уришиб, сўкмайман, ёқмаётгандирман десам...", - деб ҳафа бўладилар. Ойимларга ҳам қийин, бунчи тушунаман, боладан қичиб қолганлар. Тагин бу аёл болани умуман ёқтирмас экан деб ўйламангилар. Хар ҳолда мен яқна фарзандим, ўғилларимни ҳам яхши қўраларин. Қаричилик бўлса керак. Болани шовқин сурони ёқмайди. Биз ҳам қариган чоғларидеда тинч қўйишимиз керакдир? Мени ёзишдан мақсадим - онамни муҳокама қилиш эмас, нима қилсалар ҳам бир парча гўштлигиндан катта қилганлар, лекин баъзида қарғишлари ўтиб кетади. Бундан 23 йил олдин ўз фарзандини ташлаб қўтган аёл боримикан?

Агар бўлса, илтимос таҳририятга ёзиб юборсалар. Мен туғилганлик гувоҳнома бўйича: 1977 йил 10 январда туғилганман, бўйим 51 см. эканини биламан. Дўхтирларни айби билан стафилаккок бўлиб қолган эканман. Бунчи ўша аёл билармикан?

Тошкент

Ф.

ДИЛ ИЗХОРИ

"Вақт ўтиб борган сари севги-муҳаббат унутилиб кетади", деганлари ҳаммаси бекор экан. Ҳақиқий муҳаббат умрбод юракдан ўчмас экан. Мен ҳам бундан беш йил олдин СамДунинг 2-курс талабаси эдим. Студентликнинг энг олтин дамлари, узум йиғиштиришга жўнатишди. Ҳамма хурсанд, кунларимиз қизиқарли, ҳар хил воқеа-ҳодисаларга бой эди. Шу тариқа кунлар ўта бошлади. Ана шундай кунларнинг бирида мен бир йигит билан танишиб қолдим. У йигитнинг мени анчадан буён кузатиб юришини сезардим.

Сардорнинг кўнгли тоза, ўзимга оғир-вазмин, одолиб йигит эди. Биз у билан тез кунда келишиб кетдик, "ака-сингил" киришдик. У узоқ бир қариндошларининг қизига фотиҳа қилинган экан. Ўзи ҳеч жойда ўқимаса-да, уларнинг оиласи эътиборли хонадонлардан бўлиб, ўзларининг узумзорлари бор эди. Биз у билан аҳил дўст эдик. Атрофдагилар эса бизнинг муносабатимизни бошқача тушунишди. Кун билан чарчаган кизлар кечга бориб ҳеч нарса бўлмагандй, кимдир ўйин-кулгу, кимдир шахмат, яна кимдир ўз иши билан машғул бўларди. Сардор бўлса деярли ҳар кун мени қўришга келар, кўнглимга қарарди. Унга шунчалик ўрганиб қолибманки, у келмаган кунлари ўзимни қўйишга жой тополмай қолар эдим. Агар қўл келсаям жажлим чиқарди, ўзимни ўзим тушунмасдим. Суҳбатларимиз жуда оддий, лекин уни қўриб, овозини эшитиш, суҳбатидан баҳраманд бўлиб ўтириш мен учун катта бахт эди. У билан турли мавзуларда суҳбатлашардик. У ҳеч маҳал менга "Сени севаман" демаган. Лекин, кўзларидан, қарашларидан менга кўнгли борлигини билиб турардим. Кундан-кун кўнглимда унга нисбатан қандайдир илқилик сеза бошладим. Лекин, шуниси қизиқки, икки-

миз ҳам бир-биримизга севги ҳақида бир оғиз гап айта олмадик. Фақатгина нигоҳларимиз гаплашар, нигоҳларимизгина бир-биримизга ўз қалбини очарди... Шу тариқа кунлар кетидан кунлар ўтиб мавсум ҳам охирига қолди. Қисқа муддат ичида биз бир-би-

қанча ҳаракат қилмайдик, уни унуттишнинг иложи бўлмади. Қанчадан-қанча йигитлар оғиз солсаларда, уларнинг барисидан бирор камчилик топиб, йўқ дейишга ҳаракат қилардим. Уларнинг аксарияти ўқиган, оиласи ҳам тушунган яхши йигитлар бўлсаларда, мен учун азиз бўлган Сардордек бўлолмасди. Тавба, кўнгли иши шунақа экан, у хоҳлаган кўнглига сўрамасдан кириб келавараркан...

Билмадим, ҳозир у қерда? Нима иш қилаётган экан? Бахтликиман?

Майли, қерда бўлмасин, нима қилмасин, бахтли бўлса бўлгани. Унинг бахти - менинг бахтим. Сардор, илоё оилангиз бахтига, фарзандларингиз бахтига доим омон бўлинг. Яна унутмангки, бу дунёда сиз учун жонини ҳам беришга тайёр, умрининг охиригача сизни деб ўтгувчи, ҳаёлингиз билан яшагучи киз бор...

Чин ошиқлар етолмаскан бир-бирига, Тушунмадим муҳаббатнинг бу сирига, Қўниқаркан ҳар банд ҳам тақдирига, Қўз олдимда кўзларингиз қолди, жоним... Йигитчалар парвоналар бўлганида, Қўчамизда девоналар бўлганида, Болалигим ўн саккизга тўлганида, Қўз олдимда кўзларингиз қолди, жоним... Қўзингиздай яна қандай офтоб бўлур, Қараганининг нигоҳлари бетоб бўлур, Эсламоқлиқ оҳ, қанчалар азоб бўлур, Қўзларимда кўзларингиз қолди, жоним... Дийдорингизни яна бир бор қўришга орзуман

кўнгли -

Самарқанд шахри

Д.

О, муҳаббат... • О, муҳаббат... • О, муҳаббат... • О, муҳаббат... • О, муҳаббат... • О, муҳаббат... • О, муҳаббат... • О, муҳаббат...

ҚАЙСИ ЙЎЛНИ ТАНЛАСАМ

1994 йилнинг кеч кузи эди. Мактабимиздаги бир қиз менинг эътиборимни тортиди. Назаримда у барча қизлардан чиroyли, қайсидир жиҳати билан улардан ажралиб турарди. Мен анча вақтгача бу сирни дилимда сақлаб юриб, охири ўртоғим Камолга айтдим. Уни маслаҳати билан Юлдузга хат ёзишга қарор қилдим. Бир неча бор унга севги мактуби йўлладим. Чамаси, уч ойлардан сўнг ундан ҳам мактуб олдим. Юлдуз ҳам хатида мени яхши қўриб қолганлигини ёзган эди. Ўша пайтда мен 11-синфда, у эса 9-синфда ўқирдик. Хурсандлигимдан синфдошларимга ош қилиб бердим. Ўртоқларим ҳам бизга бахт тилашди. Биз ҳеч ҳам Юлдуз билан юзма-юз гаплаша олмадик. Ўша пайтларда синфдошим Акмал ҳам уни яхши кўрар экан. Буни кейинчалик эшитиб қолдим. Акмалга айтгандим: "Яхши кўрмайман", - деди. Унинг гапидан кўнглим жойига тушиб, ўқийшимни давом эттириб юравердим. Мактабни битириш арафасида мен яна шу гапни эшитдим. Охири ишонмай Юлдузнинг ўзидан сўрадим. У: "Ишонмасангиз, Акмални олиб келинг, уни олдида ҳам сизни яхши кўришимни айтаман", - деди. Мен Акмалга ҳамма гапни айтдим. Аммо, бу гал Акмал яхши кўришини яширмади. Лекин уччаламиз билан бўладиган учрашувга келмади. Шу тариқа мактабни тугатиб Тошкентга ўқишга келдик. Акмал билан бир институтга ҳужжат топширдик. Тақдир экан, иккаламиз ҳам талаба бўлдик. Юлдуз билан эса фақат хат орқали боғланиб турардим. Қишки таътилда уйга борганимда Юлдуз: "Мени ҳам Тошкентга қўйишга олиб кетинг", - деди. Бизнинг қишлоқ тарафларда қизлар Тошкентга келиб ўқимайди. Мен ҳам уни: "Тошкентда нима қиласан?" Қишлоқ қизларига ўхшаб қишлоқда

қолсанг бўлмайми?" - деб уришиб бердим. У бўлса ҳеч нарса демасдан йиғлаб юборди. Мен уни Тошкентга олиб келишга ваъда бериб у билан хайрлашдим. Кейин билсам, ўша кезларда тақдир Юлдузга бошига оғир кунларни солган, кўнглини яримта қилиб қўйган, мен эса тасалли бериш ўрнига уни дилини огритган эканман. Ўша пайтларда унинг онасини мияси шамоллаб касал бўлиб қолган экан. Онасини бобоси уйига олиб кетган, отаси билан ораларида анча гап қочган экан. Юлдуз оилада тўнгич фарзанд эди. Шунинг учун ўша вақтда онасига қараб тураркан.

Мен бу гапларни эшитиб ўзимдан хафа бўлдим, аммо ўша пайтда қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Фақатгина унга тасалли бериш билан чекланардим. Орадан кунлар ўтди. Биз у билан хат орқали тез-тез боғланиб турдик. Баҳорги таътилда Наврўз байрамини уйда нишонлаш учун келганимда уйимизни меҳмонлар тўлдириди. Келди-кетди билан бўлиб Юлдуз билан учраша олмадик. Кетар паллада ҳам у билан учрашишнинг ҳечам иложи бўлмади ва ўртоғим Камолдан хат бериб юбордим, мени кечиришини сўрадим.

Тошкентга келгач унга бир-икки марта хат ёзиб юбордим. Аммо ундан жавоб бўлмади. Ўзги таътилда уйга келгач Камолдан унга хат бериб юбордим, аммо Юлдуз мен билан учрашувга келолмаслигини айтиб юборди. Сабабини кейин суриштирсам, айтишдики, улар Акмал билан қайта топишибди. Начора, мени қўлимдан келадиган нарса: "Акмал ва севглигим"га бахт тилаш бўлди. Кейин бу ҳақда умуман оғиз очмайдин бўлдим.

Ўтган йили Юлдуз ҳам Тошкентга ўқишга келди. Омади қолип у ҳам талаба бўлди. Уни ҳар кўрганимда бошқача бўлиб кетардим. Шунча тушунликда юрсам ҳам уни кўнглимдан чи-



қариб юбора олмадим. Кунларнинг бирида уни ётоқхонанинг олдида қўриб қолдим. Тўрт йилдан бери илк марта у билан юзма-юз гаплашдик. Гап орасида унга каттадан-катта бахт тиладим. Лекин шу маҳал у йиғлаб юборди ва мендан: "Бирор қизни яхши кўрасизми?" - деб сўради. Унга бир умр биринчи муҳаббатимга содиқ қолишимни айтдим. У бўлса: "Мени кечира оласизми?" - деб сўради. Нима дейишни билмай қолдим. Юлдуз Акмалга барибир мени яхши кўришини айтган экан. Мен бу гапни Акмалдан эшитиб ҳаяжонландим. Бунга қўриб Акмал: "Сиз ҳали ҳам Юлдузга уйланинг. Асли катта хато мендан ўтган экан, мен сизларнинг ўрталарингизга тушиб нотўғри иш қилган эканман..." - деди. Унинг бу гапларидан ғалағи бўлиб кетдим. Тан олиш керак, биз Акмал билан ҳозир яхши келишамиз, келажакда ҳам бир жойда ишламоқчимиз. Аммо, айни дамда мен нима қилишга ҳайронман. Қайси йўлни танласам тўғри иш қилган бўламан? Юлдузга севмаман, у ҳам мени яхши кўради. Акмал ҳам ўз айбини тан олди. Аммо, бўлиб ўтган гап-сўзлар-чи? Нима қилсам мен тўғри иш қилган бўламан?

УМИД

Қашқадарё вилояти

СЕВГИ МИЛАТ ТАНЛАЙДИМИ?

Эшим 21 да. Мактабда мусиқадан дарс бермаган. Ўз касбини жуда-жуда севаман. Рус мактабини битирганим учун ёшлигимдан рус тилидаги адабиётларни кўп ўқирдим. Ўртоқларимнинг ҳам кўпчилиги рус синфида ўқиган. Уларни ҳар доим қувноқ юриши менга жуда ёқарди. Шунинг учунми, уларни ўзбек йигитлари билан солиштирдим. Ўзда 2 та дугонам билан Чорвоқдаги дам олиш уйига бордик. У ерда бир рус йигити билан танишиб қолдик. Саша ҳам ўртоқлари билан бирга экан. Мен ва дугоналарим Саша ва унинг ўртоқлари билан гаплашиб юрдик. Улар билан бирга тоғларга, дарё бўйларига сайрга бордик. Дам олиш уйдан Тошкентга кетадиган кунимиз ҳаммамиз бир-биримизга телефонимизни бериб хайрлашдик. Уйга келганимда эса ниманидир йўқотиб қўйгандек бўлавердим. Мени яна ўша ерга боргим, Сашани кўргим, у билан гаплашгим келарди. Ўзи менга телефон қилмагани учун унга қўнғироқ қилишга нимадир тўсқинлик қиларди. Орадан уч ой ўтди. Мен ишга тушдим. Ишга берилиб, уни ҳам анча унутдим. Лекин бир кун, ўша мен билан бирга дам олишга борган дугонам билан Амир Темур хибонага бордик ва у ерда Сашани кўриб қолдик. Биз у билан бироз гаплашиб турдик. У кейинги ҳафта туғилган, кунни эканлигини айтиб, бизни ҳам таклиф қилди. Туғилган кунга дугонам иккаламиз бордик. Шунда Саша учрашиб туришни таклиф қилди. Мен аввалгига унинг таклифини рад этдим. Кейин эса юрак амрига бўйсиниб рози бўлдим. Ҳуллас, ўша кунги туғилган кундан кейин биз Саша билан учрашиб турадиган бўлдик. Кунларнинг бирида у менга севги изҳор қилди, мен унга нима дейишимни билмай қолдим. Ана шунда мен катта хатога йўл қўйганимни сездим ва у билан бошқа учрашмасликка қарор қилдим. Лекин қанча уринмай Саша телефон қилса гаплашадиган, учрашувга таклиф қилса борадиган бўлдим. Бир кун у менга яна севги изҳор қилиб унга турмушга чиқишимни сўради. Мен ҳам уни севгишимни айтдим. Энди эса нима қилишимни билмайман. Тўғри, севги миллат танламайди. Мен ҳам ҳеч қачон одамларнинг миллатига қараб муомала қилмаганман. Лекин ота-онам, қариндошларим мени бу ишимга рози бўлишадими? Шунинг учун ҳам мен ушбу мактубни ёздим. Ўртоқларимдан маслаҳатлари битилган мактубларини кутиб қоламан.

ЗУЛФИЯ

Билла ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Қўлёзмаляр таҳлил қилинмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайдиган.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:

Бош муҳаррир: 133-28-20

Котибият: 34-25-46 (Хат ва эълоплар бўлими)

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 700000

Амир Темур кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 20.35

Босишга топширилди - 21.15

ҲОМИЙ

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176 ташкилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма Г- 296

Формати А-3, ҳажми 2 босма тоб.

Баҳоси эркин нархда.

Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ. Навбатчи — М. СОДИҚОВ